

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

АБДУХАЛИМОВ АБДУРАХМОН

**XIX АСР САВДО-САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ВА ДЕМОГРАФИК ҚИЁФАСИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
ШАҲАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

Мутахассислик: 5А 120301 – «Ўзбекистон тарихи»

Ўзбекистон тарихи магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ
тарих фанлари номзоди, доцент**

Андижон-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ҲАЁТ	
1.1. Фарғона водийси аҳолисининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаёти	7
1.2. XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона вилоятининг маъмурий-худудий тузилиши	11
1.3. Мустамлака даврида Фарғона водийсидаги ижтимоий- сиёсий жараёнлар	16
1.4. Фарғона водийси шаҳарларнинг империя томонидан бошқарилиши	22
II боб. XIX АСРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ САВДО – САНОАТ ШАҲАРЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ	
2.1. Фарғона водийси шаҳарларига рус ва чет эл сармоясининг кириб келиши	28
2.2. XIX аср охири- XX аср бошларида Андижон шаҳрида савдо муносабатлари	33
2.3. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси пахта тозалаш заводларининг фаолияти	43
2.4. Фарғона водийсида XIX аср охири – XX аср бошларида ипакчилик саноати	48
III боб. XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ДЕМОГРАФИК ҚИЁФАСИ	
3.1. Янги Марғилон – Фарғона водийсининг маркази ва таянчи	53
3.2. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида аҳолини кўчириш сиёсати	61
3.3. XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона водийсида хунармандчилик	71
3.4. Фарғона водийсида христианликнинг тарқалиши	77
ХУЛОСА	80
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ...	83
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2015 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги сўзлаган нутқида “...айни пайтда биз бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин тарихимизда рўй берган мана шундай фожеали воқеаларни ҳам бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарур. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантириш лозим. Мактабларимизда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларимизда айна шу мавзуларни ҳолис ва ҳаққоний ёритиб беришга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз керак.

Шуни эсда тутиш керакки, тарихини унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ¹”,-деб таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, Ватанимизнинг ҳаққоний ва тўғри тарихини ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш ҳар бир тарихчи олдидаги инсоний бури ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги. XIX асрнинг 60-70 йилларида Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши мазкур ҳудуддаги анъанавий сиёсий тузум ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга жиддий таъсир ўтказиб, зиддиятли ўзгаришларга олиб келди. Айниқса, собиқ Кўқон ҳонлиги ҳамда қисман Бухоро ва Ҳива ҳонликлари ерларининг босиб олинган ҳудудларида 1867 йилда ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги замида бу ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Мазкур ҳудудда ҳарбийлаштирилган сиёсий-маъмурий бошқарув тизимининг ташкил этилиши ўлкада мустамлакачилик тузимини куч билан қарор топтиришга хизмат қилди, анъанавий давлатчиликни буткул тугатишга олиб келди. Ана шу сабаблар бизни водий шаҳарлари тарихини объект қилиб ўрганишга ундади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишида”ги сўзлаган нутқидан. “Халқ сўзи”, 2015 йил, 15 январь.

Ўзбекистон тарихининг Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ва демографик қиёфаси билан боғлиқ масалаларига бугунги кун нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти ўзига ҳос ривожланиш, турғунлик ва таназзул даврларини бошдан кечирган. Ўз даврида Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт маълум даражада ривожланиб, бу борада кўп минг йиллик тажрибалар умумлаштирилган ҳолда ўзига ҳос қадриятлар шаклланишга улгурган. Айниқса, Фарғона водийси (аниқроғи, Қўқон хонлиги) Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин, водийда янги шаҳарлар вужудга кела бошлади, мавжуд шаҳарлар кенгайиб, уларда капиталистик муносабатлар юзага келди. Шу даврдан эътиборан, бутун Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона водийсида товар-пул муносабатлари ривожланиб, алоҳида савдо-саноат шаҳарлари шаклланди. Шу билан бирга шаҳарларда ички ва ташқи савдо, тадбиркорлик муносабатлари ҳам анча ривожландики, бу масалани махсус тадқиқот мавзуси сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини XIX аср Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўзгаришлар ташкил этади.

Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларининг ишлаб чиқариш хусусиятлари, демографик қиёфаси, ички ва ташқи савдо алоқалари, тадбиркорлик муносабатлари ва унинг ўзига ҳос жиҳатлари магистрлик диссертациясининг предмети саналади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишида XIX асрда Фарғона водийсида юзага келган савдо-саноат шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, шаҳарларнинг демографик қиёфасидаги ўзгаришлар ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш хусусиятларини назарий жиҳатдан умумлаштиришдан иборат мақсад белгиланди. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, ишда қуйидаги вазифаларни бажариш қўйилди:

- XIX асрда Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларидаги умумий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни қисқача ёритиб ўтиш, водийдаги асосий шаҳарлар, савдо йўллари, хунармандчилик ишлаб чиқариши ва унинг ўзига ҳос томонларини аниқлаш;

- Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларида ва ҳудудларда амалда бўлган савдо муносабатлари ва унинг хусусиятларини ўрганиш, водийдаги тадбиркорлик муносабатларини ва унинг ўзига ҳос кўринишларини ўрганиш;

- шаҳарлар ўртасидаги ўзаро савдо-сотик алоқалари кўламини ёритиш, ўзаро савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган масалалар ва айирбошланган товар ва маҳсулотлар ҳақида маълумотларни умумлаштириш;

- Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларининг кўшни мамлакатлар билан бўлган савдо алоқалари ва унинг муҳим хусусиятларини очиқ бериш;

- Фарғона водийси савдо-саноат шаҳарларининг Россия билан бўлган савдо алоқалари ва унинг ривожини, бу савдода асосий ўрин эгаллаган маҳсулотлар, айирбошланган товарлар ҳажми ҳақида маълумотларни умумлаштириш;

- ўрганилган муаммо бўйича жамланган маълумотлар асосида ҳулоса чиқариш ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Мазкур тадқиқот тамоман янги, замонавий методология асосида тадқиқ қилинади. Диссертацияда миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурасининг устувор тамойилларига асосланган ҳолда Фарғона водийси шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хусусан, савдо-сотик муносабатлари ва тадбиркорлик ишлари тарихшуносликнинг бугунги кун талаблари даражасида тадқиқ этилади. Тадқиқот мавзунининг илмий янгилиги яна шундаки, ушбу мавзу ва ундаги маълумотлар умумлаштирилган ҳолда алоҳида тадқиқот объекти сифатида магистрлик диссертацияси даражасида тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотда мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинган. Диссертация ишида илмий билишнинг ҳолислик, тарихийлик, ўзаро таҳлил, объективлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинади. Тадқиқотни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилаётган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикрлар, дастурий-концептуал кўрсатмалар ҳам назарий-методологик асос вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида жамланган илмий маълумотлар, назарий хулосалар ва умумлаштиришлар Фарғона водийси шаҳарларидаги умумий ўзгаришларни, шаҳарлардаги янгича ишлаб чиқариш қиёфасини ҳамда шаҳар таркибий структурасидаги ўзгаришлар тарихини ҳолисона ўрганишга хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кунда Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда ва мамлакатимизда тадбиркорлик муносабатларини ривожлантиришда ва самарадорлигини оширишда ҳам диссертациянинг назарий хулосалари маълум маънода амалий аҳамият касб этади. Шу билан бирга магистрлик диссертациясида жамланган маълумотлардан таълимнинг турли босқичларида ўқув жараёнларида қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материалларидан ватанимиз тарихига оид дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. XIX АСР ОҲИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

1.1. Фарғона водийси аҳолисининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаёти

XVI асрлардан Ўрта Осиё минтақасида бошланган ижтимоий-сиёсий парокандалик турли этносларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражасига ҳам жиддий таъсир этган ҳолда динамик ҳолатда XX аср бошларигача давом этиб келган. Бу эса турли этник гуруҳларнинг деҳқончилик воҳаларида тўлиқ турғунлашувига ва уларнинг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир ўтказган. Шу боис, XIX аср охириларида ҳам уларнинг этник, хўжалик-маиший, моддий-маънавий ва ижтимоий турмуш тарзидаги уйғунлашуви охиригача етмаган ҳамда турли этник компонентлар этномаданий идентиклиги*ни муайян даражада сақлаб қолганлиги кузатилади.

Фарғона водийси аҳолиси этник таркибининг шаклланиши ва этнографик хусусиятлари масалалари тадқиқотчилар томонидан бирмунча яхши ўрганилган. Бироқ водий аҳолисининг идентиклиги хусусиятлари маҳсус тадқиқ этилмаган.

Тарихий-этнологик адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар Ўрта Осиёнинг турли ҳудудлари аҳолисининг идентиклиги турфа ҳил бўлган. Бу ҳақда россиялик тадқиқотчи С.Н.Абашин шундай ёзади: “Асосий, кундалик зарурий идентиклик табақавий (оқ суяк, қора суяк), диний (сунний, шиа, суфийлик тариқати вакиллари), хўжалик-маданий (ўтроқ, кўчманчи ва яримкўчманчи, тоғлик), ҳудудий (буҳоролик, самарқандлик, хўжандлик ва б.), уруғ-қабилавий ва ҳоказоларга асосланган¹”. Лекин тадқиқотчининг,

* Идентиклик инсоннинг маълум ижтимоий гуруҳга, масалан, бирор халққа, сиёсий, диний, ирк ва шу каби гуруҳларга мансублигини ҳис этиши билан боғлиқ хусусияти.

“1860-1870 йилларда русларнинг келгунига қадар Ўрта Осиё аҳолисига этник ўз-ўзини англаш ҳисси маълум бўлмаган” – деган фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки уруғ-қабилавий яқинлик бизни назаримизда ўша даврга ҳос этник идентикликнинг муҳим белгиси эди.

Шу ўринда америкалик олим Самуэл Ҳантингтоннинг куйидаги фикрини келтириб ўтишни лозим топдик: “Инсон ўз аجدодларини алмаштириш ҳолатида эмас. (яъни, инсон ўз халқини, миллатини ўзгартира олмайди) бироқ инсон маданиятини ўзгартиради. Одамлар бир эътиқоддан бошқасига ўтади, чет тилларини ўрганиш орқали янгича қадриятларни қабул қилади, янгича турмуш тарзига мослашади. Ёш авлод маданияти қисман олдинги авлод маданиятидан фарқ қилади Шундан келиб чиқиб айтмоқчимизки, келиб чиқиш умумийлигини ҳис этиш каби этносга ҳос хусусиятлар ўша давр кишилари учун ҳам ҳос бўлган. Тил ва маданиятда бўладиган ўзгаришлар эса табиий жараёнدير. Этник идентикликнинг яққол намоён бўлмаслиги этносни, ёки этник хусусиятларни мавжудлигини инкор этишга сабаб бўла олмайди.

Фарғона водийси аҳолиси орасида диний, хўжалик-маданий, уруғ-қабилавий, худудий идентиклик бирмунча кучли бўлган. Водийдаги турли аҳоли гуруҳларини бирлаштириб турувчи нисбатан умумий идентиклик бу - “биз мусулмонмиз” деган диний қараш эди. Ислом динида барча мусулмонлар ирқи, маданияти, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бир “миллат” деб қараш мавжудлиги туфайли аҳоли гуруҳларининг тилида, турмуш тарзи ва маданиятида мавжуд бўлган фарқлар чегара бўла олмас эди. Чунки мусулмон бўлиш этникликнинг муҳим белгилари бўлмиш тил ўхшашлиги, турмуш тарзи ва маданий яқинликдан кўра устун турувчи тушунча ҳисобланган ва бу жиҳат этникликни (яъни, этник ўз-ўзини англашни) жуда суст даражада бўлишига сабаб бўлган, дейиш мумкин. Балки шу сабаб, маҳаллий тарихчилар аҳолини тили, турмуш тарзи, умуман этник ўзига ҳослигига қараб “биз” ва “улар” деб ажратиб

¹ Абашин С.Н. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века) // Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М., 2004. – С. 39.

ўтирмаган. Аксинча, эътиқодига қараб, “тоза, соф мусулмон” ёки “чала мусулмон” тарзда ёндашган.

Россия империяси мустамлакачилиги даврига қадар маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти диний иденикликка мос тарзда бўлса-да, лекин ўзида этник, ҳудудий ва локал хусусиятларни мужассамлаштирганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу жиҳат мураккаб этник таркибга эга ҳудуд аҳолисининг ўзаро ижтимоий муносабатларида эркинликни таъминлаган. Рус тадқиқотчиси Н.Петровский “Қўқон хонлиги очерклари”да хонлик аҳолиси ҳақида қуйидагиларни: “Дин масаласида Қўқонликлар Бухороликлар каби ҳудога берилиб кетмаган бўлса-да, уларда очикқўнгиллик, диний бағрикенглик бор. Ижтимоий муносабатларда эса улар Бухороликларга нисбатан ҳақгўй, очик, шахсий ҳаётда анча юмшоқ, оилам ва уйим-жойим дейдиган ва умуман айтганда очикқўнгил ва самимий одамлар.¹” деб ёзади.

Фарғона водийсида қадимдан ўтроқ яшаб келган туркий (ўзбек) ва форсий (тожик) тилли аҳолининг маълум қисми умумий тарзда сарт деб аталган. Фарғона водийсидаги ўтроқ “сарт”ларнинг катта қисмини “қашғарлик”лар ташкил этган деган фикр ҳам учрайди. Сарт атамасининг мазмуни борасида ҳозиргача яқдил бир фикрга келинмаган. Ҳаттоқи, бу атамани бирор халққа нисбатан этноним сифатида қўллаш ҳам ноўрин. Ўзбек сартлар ва тожик сартлар ўртасидаги фарқ фақат уларнинг тилида бўлиб, уларнинг дини, турмуш тарзи, кўникма ва урф-одатлари бири-биридан фарқ қилмаган. Фарғона водийсида яшовчи ўтроқ аҳоли эса айниқса шаҳарликлар, одатда ўзбек ва тожик тилларида бемалол гаплаша олган. Бу эса Фарғона водийси сартлари орасида этник хусусиятларни яққол намоён бўлишига тўсиқ бўлган дейиш мумкин. “Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси”, – деб ёзади В.В.Бартольд: “ўзларини биринчи навбатда мусулмон сифатида, кейинги навбатда эса маълум бир шаҳар ёки жойнинг аҳолиси сифатида ҳис этади, маълум бир халққа тегишли бўлиш деган қараш у учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Фақатгина ҳозирги пайтда

¹ Петровский Н. Очерки Кокандского ханства (Вестник Европы) // ТС. Том 76. – С. 729-730.

Европа маданиятининг таъсирида миллий бирлик тўғрисидаги интилиш пайдо бўлди¹.

Фарғона водийси ўтроқ аҳолиси орасида ўзларини Муҳаммад пайғамбар авлоди деб ҳисобловчи саййид ва хўжалар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида ажралиб туради. Шу боис улар ўзларини бошқа аҳоли оммасидан ажратган ҳолда “оқ суяк” деб билишган. Энг асосийси саййид ва хўжалар эндогам никоҳга қатъий амал қилишган. Ўзгаларга нисбатан бундай ёпиқ муҳит оқибатида улар маданиятида айрим ўзига ҳослик шаклланганки, баъзан одамлар уларни алоҳида этник жамоа сифатида билади.

Мутахассислар аҳолининг жойлашувида ва хўжалик шаклида маълум маънода этник хусусиятлар намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу фикрга қўшилиш мумкин ва бу этносни шаклланиши табиатдан айри эмаслигини қайсидир маънода асослайди. У.Абдуллаев Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий хўжалик алоқалари турли хўжалик-маданий типларга кирувчи этнослар ўртасида аниқ фарқланиб туради, деб таъкидлайди².

Фарғона водийсининг асосан тоғли ҳудудларида яшовчи қирғизлар кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиб келишган. XIX аср охирларида ярим кўчманчи турмуш кечирган қипчоқлар эса яйлов чорвачилиги ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Кўчманчилик чорвадор аҳоли учун нафақат хўжалик-маданий фаолият билан боғлиқ зарурат, балки, уларнинг дунёқараши (ёки идентиклиги) билан ҳам боғлиқдирки, улар куёш, ой, ер, кеча ва кундуз, яъни дунёдаги барча нарса доимий ҳаракатда бўлади. Шундай экан “инсонлар ҳам доимо бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришлари керак” деган тушунча билан ҳам боғлиқ. Шу боис улар камбағаллашиб, чорва ҳайвонларининг сони камайиб, ночор аҳволда қолган тақдирдагина ўтроқлашган.

¹ Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. - М., 1964. - С.528-529.

² Қаранг: Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). – Т. 2005.

XX аср бошларида туркларнинг жойлашувида ҳам маълум қоида кузатилади, улар Фарғона водийсининг жанубий-шарқий қисмидаги тоғолди адир зоналарида жойлашган. Шу боис баъзи адабиётларда уларни тоғли турклар деб аталади. Улар ярим кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган ва асосан чорвачилик билан шуғулланганлар, шунингдек адирларда лалми деҳқончилик ҳам қилиб, буғдой, жўҳори етиштирганлар. Чорванинг асосий қисмини “ҳисори” ва маҳаллий (жайдари) қўйлар ташкил этган. Бундан ташқари турклар йилқи ва қорамол ҳам боқишган.

Фарғона водийсида яшовчи қорақалпоқларнинг аксарияти Сирдарё ва Қорадарё қирғоқларидаги ҳудудларда жойлашганлар ва Андижондан то Қўқонгача бўлган ҳудудларда ўзларининг қатор қишлоқларини барпо этганлар. В. Наливкин “Қўқон ҳонлигининг қисқача тарихи” номли асарида ёзишича, қорқалпоқларнинг Сирдарё бўйларига яқин текислик ва тўқайзорлардаги қамиш босган ҳудудларда жойлашиши асосида уларнинг кўп асрлик этник анъана ва кўникмалари ҳамда ўзига ҳос хўжалик юритиш анъаналари ётади. Чунки, қорақалпоқлар учун деҳқончилик, балиқчилик ва уй ҳунармандчилигини юритиш азалдан муҳим бўлган. Булар орасида, айниқса, уй ҳунармандчилиги (қамишдан бўйра, сават ва бошқа шу кабиларни тўқиш) устун турган¹.

1.2. XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона вилоятининг маъмурий-худудий тузилиши

Подшо Россияси Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик мақсадларини амалга ошириб, XIX асрнинг 50-70-йилларида Қўқон ҳонлигини босиб олди. Ҳива ҳонлиги ва Бухоро амирлиги Россия империяси вассалига айлантирилди. Босиб олинган ҳудудлар ҳисобига 1867 йилдаёқ Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган эди. Ўлканинг энг обод ва серунум ҳудудлари, ҳусусан, Қўқон ҳонлиги ерлари, Бухоро амирлиги ва Ҳива ҳонлигининг маълум қисмлари генерал- губернаторлиги таркибига киритилди. Россия империяси таркибига киритилган ушбу ҳудудларда

¹ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. С 215.

миллий давлатчилик тугатилди, унинг ўрнида мустамлакачиликка асосланган Россия ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими ташкил этилди.

Натижада ҳудудий бўлиниш қайтадан кўриб чиқилди. Ушбу давр тарихини ўрганувчилар учун подшо Россияси томонидан босиб олинган жойлар қайтадан қандай ҳудудларга бўлингани ва улар қандай номлар билан аталганлигини билиш маълум қийинчиликларни вужудга келтиради. Шунингдек, тарихий-географик номлар, топонимлар, ҳудудларнинг чегаралари, майдонларининг ҳажми, маъмурий бўлинишининг миқдори ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам қизиқарлидир, албатта.

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бешта вилоят: Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Каспийорти ва Фарғона вилоятлари ташкил этилди. Фарғона вилояти 1876 йил 19 февралда император Александр II нинг фармони билан барпо этилди. Фармонга асосан вилоятнинг таркиби Кўқон, Марғилон, Чимён, Андижон, Наманган, Чуст ва Ўш уезларидан иборат қилиб белгиланди¹.

Кейинчалик, (1886 йил) “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” қабул қилингандан сўнг Чимён уезди Марғилон уездига, Чуст уезди Наманган уездига кўшиб юборилди ва Фарғона вилояти 1917 йилгача 5 та уездан иборат бўлди.

Фарғона вилояти ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, аҳолининг сони ва ободлиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турарди. XX аср бошларида аҳолининг сони жиҳатидан Туркистон генерал-губернаторлигида Фарғона вилояти биринчи ўринда турган. Аҳоли сони 1897 йилдаги рўйхат бўйича 1572214 кишини, 1906 йилда 1914178 киши² бўлиб, 1911 йилга келиб эса 1950334 кишини ташкил этган³. Фарғона вилоятининг ҳудуди 1883 йилда 83664 кв верст, 1900 йилда 86130 кв верст (Помир ҳудуди 40000 кв верст) бўлган⁴.

¹ Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари). I китоб. Т.: “Наврўз”, 2013. Б.12

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

Вилоятда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, дехқончилик ва чорвачилик кенг ривожланган. Ўрта ҳисобда Туркистон ўлкасида етиштирилган пахтанинг 50-60 фоизи ва ипакнинг 90 фоизи Фарғона вилоятида етиштирилган. Вилоят саноат соҳасида ҳам салмоқли ўринни эгаллаган. 1904 йилда заводлар сони 309 та, Сирдарё вилоятида 183 та ва Самарканд вилоятида 93 та бўлган¹. Шунингдек, вилоят нефть ва кўмир казиб олишда ҳам олдинги ўринни эгаллаган. Туркистон ўлкасида шаклланган ишчилар синфининг салмоқли қисми ҳам шу ерда тўпланган эди.

Шундай катта ҳудудга эга бўлган вилоят 1917 йилгача 5 та уездга бўлинган бўлиб, ўз навбатида уездлар участка ва волостларга, волостлар қишлоқ жамоаларига бўлинган. Ўлкага кўплаб русларнинг кўчириб келтирилиши оқибатида рус посёлкаларида ҳам қишлоқ жамоалари ташкил этилган. 1900 йилда Фарғона вилоятининг 5 та уездида 99 та волость ва 602 та қишлоқ жамоалари, 5 та рус посёлкалари ва қишлоқ жамоалари мавжуд эди².

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уездлар бир неча участкаларга бўлинган. Уездларни уезд бошликлари, участкаларни участка приставлари, волостларни волость бошликлари, қишлоқ жамоаларини оқсоқоллар бошқарганлар.

Вилоятларни рус армияси генераллари шахсан императорнинг ўзи тайинлаган ҳарбий губернаторлар бошқарган. Улар ўзларида ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини мужассамлаштирганлар. Ҳарбий соҳада вилоятлардаги кўшинлар қўмондони, фуқаро ишларида эса ҳокимият кенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишган. Барча маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти ҳам улар қўлида жамланган.

Ҳар бир уезд ўз таркибида шаҳар қишлоқлари билан уезд ҳокимига буйсунган. Уезд бошлиги вилоят ҳарбий губернатори тавсияси билан (бевосита генерал-губернатор томонидан) лавозимга тайинланган. Уезд

¹ Ўша жойда.

² Кўрсатилган адабиёт.

бошликлари маъмурий, полиция ва ҳарбий ҳокимиятни ўзларида бирлаштирганлар. Уезд бошликлари ўз ҳудудидаги аҳолидан хоҳлаган кишига жарима солишлари ва 7 кунгача қамаб қўйишлари мумкин эди. Уездлар бир неча участкаларга бўлинган. Фарғона вилояти уездлари 20 та участкага бўлинган эди. Участкалар участка бошликлари томонидан бошқарилган. Уларга ҳам ўз ҳудудларида маҳаллий аҳолидан истаган одамга жарима солиш (5 сўмдан 10 сўмгача) ва 3 кунгача ҳибсда сақлаб туриш ҳуқуқи берилган эди. Участка бошлиқлари ҳарбий бошқарувнинг охириги бўғини эди.

Қуйидаги маълумотлар Фарғона вилояти уездлари қандай участкаларга ва волостларга бўлинганлигини кўрсатади:

Марғилон уезди:

1. Шаҳар атрофи участкаси – унинг таркибида Файзиобод, Ёзёвон, Олтиариқ, Яккатут ва Марғилон волостлари бўлган;
2. Водил участкаси - унинг таркибида Чимён, Аввал, Найман ва Ёйкесак - Бўстон волостлари бўлган;
3. Қува участкаси - унинг таркибида Қува, Қўқонқишлоқ, Қоратепачовкент, Шаҳрихон, Сегзин ва Асака волостлари бўлган;
4. Аравон участкаси - унинг таркибида Кулла, Аравон, Марҳамат ва Ичкилик волостлари бўлган.

Қўқон уезди:

1. Шаҳар атрофи участкаси - унинг таркибида Аравон, Ганжировон ва Қайнар волостлари бўлган;
2. Кенагас участкаси - унинг таркибида Кенагас, Қудаш, Чирик, Жийда, Жанжал, Қипчоқ ва Қорақалпоқ волостлари бўлган;
3. Бачқир участкаси - унинг таркибида Сўх, Риштон, Зодиён, Ўлтарма, Бувайда ва Найман волостлари бўлган;
4. Конибодом участкаси - унинг таркибида Найгут, Қипчоқ, Лайлак, Исфара, Конибодом, Яйпан, Бешариқ ва Маҳрам волостлари бўлган.

Наманган уезди:

1. Шаҳар атрофи участкаси - унинг таркибида Тўрақўрғон, Қирғизқўрғон,

- Ҳонобод, Капа ва Уйчи волостлари бўлган;
2. Чодак участкаси - унинг таркибида Бободархон, Ашт, Чодак, Поп ва Олмос волостлари бўлган;
 3. Чуст участкаси – унинг таркибида Чуст шаҳри, Варзак, Ахси-Шаҳанд, Қутлук-Саид, ва Чотқол волостлари бўлган;
 4. Нанай участкаси – унинг таркибида Арим, Сусамир, Бойистон, Нанай, Боғиш, Сори ва Қирқ ўғил волостлари бўлган;
 5. Янгиқўрғон участкаси – унинг таркибида Янгиқўрғон, Пишқўрғон, Чортоқ, Косонсой ва Тергачи волостлари бўлган.

Андижон уезди:

1. Шаҳар атрофи участкаси – унинг таркибида Ҳакан, Ёрбоши, Олтинкўл, ва Балиқчи волостлари бўлган;
2. Султонобод участкаси - унинг таркибида Жалақудук, Кўрғонтепа, Ойим ва Қорасув волостлари бўлган;
3. Избоскан участкаси - унинг таркибида Майли, Избоскан, Ҳаққуллобод, Норин ва Кенқўл Қорагир волостлари бўлган;
4. Жалолобод участкаси - унинг таркибида Жалолобод, Ўзган ва Кўгарт волостлари бўлган;
5. Бозорқўрғон участкаси - унинг таркибида Бозорқўрғон, Кўқонқишлоқ, Новқат ва Майгир волостлари бўлган.

Ўш уезди:

1. Аҳоли ўтроқ яшайдиган ҳудуд пристави - Ўш, Булоқбоши, Оқбўйра, Новқат ва Қашқарқишлоқ волостлари бўлган;
2. Аҳоли кучманчилик билан яшайдиган ҳудуд пристави - Ғулча, Олой, Куршоб ва Қапчиғой волостлари бўлган.

Таъкидлаш лозимки, аҳоли сонининг кўпайиши, қишлоқ жамоаларида хўжаликлар сонининг ортиб бориши натижасида вилоят губернаторининг буйруғи билан волостлар ва қишлоқ жамоаларининг сони ортиб борган. Чунки, волость асосини минг ҳонадондан икки минг ҳонадонгача, овул жамоаларини эса юз ўтовдан икки юз ўтовга қадар аҳоли ташкил этган. Масалан, вилоятда 1904 йилда 100 та волость, 629 та

қишлоқ жамоалари¹, 1908 йилга келиб 103 та волость, 642 та қишлоқ жамоалари бўлган².

1.3. Мустамлака даврида Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар

Фарғона водийсига Россия империяси топшириғи ҳамда ўз ихтиёри билан келган татар ва бошқирд миллати вакиллари кўплаб манбаларда “инқилоб тарғиботчилари” сифатида баҳоланган. Шунингдек, уларнинг маданий-маърифий ва иқтисодий-сиёсий соҳаларда бошқарув ишларидаги фаолияти билан боғлиқ жараёнларга турли қарашлар ҳам мавжуд. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, дастлаб Россия империясининг мустамлака, кейинчалик эса, шўро маъмуриятига ҳукмрон мафқурани халқ оммаси онгига сингдириш учун халқимизнинг тили, урф-одати, миллий турмуш тарзидан боҳабар шахслар керак эди. Бунинг учун эса Қозон, Уфа, Самара, Оренбург ва бошқа ҳудудларда истиқомат қилувчи зиёли татар ва бошқирдлар “ҳизматидан” ҳам кенг фойдаланилган. Маълумки, аксарият татар ва бошқирд миллати вакиллари ўз она тилларидан ташқари Туркистонда истиқомат қиладиган ерли ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва ҳатто маълум бир қисми форс-тожик тилларини ҳам яхши билишган. Бу эса уларга аҳоли билан турли жабҳаларда кенг қамровли алоқага киришишларида кўл келган.

XIX аср охири – XX аср бошларида маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фикр тараққиётида матбуот, нашриёт муҳим аҳамиятга эга бўлди³. Кейинчалик ҳам маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий ривожланишида вақтли матбуотнинг ўрни айниқса беқиёс бўлиб, уларнинг мақсади тарғибот-ташвиқот билан бирга большевикларнинг атеистик ҳатти-ҳаракатларидан мусулмонлар эътиқод ва ахлоқини ҳимоя

¹ Кўрсатилган адабиёт.

² Ўша жойда.

³ Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи У. Долимов, Н Жабборов. –Т.: Маънавият, 2005. - Б.31

қилиш ҳисобланган¹. Туркистоннинг бошқа ҳудудлари каби Фарғона вилоятига ҳам Боғчасаройдан “Таржимон”, Қозондан “Вақт” ва “Юлдуз”, Астраҳандан “Идил”, Боқудан “Тараққий”, “Иттифоқ”, “Каспий”, Оренбургдан “Шўро” ва “Чуқуч” каби газета ва журналлар келиб турарди. Бу эса мусулмонлар орасида янгиликларни тез ёйилиши ва алоқаларни янада мустаҳкамланишига замин яратган².

Ўлкага сафарбар қилинганлардан ташқари Сибир, Волгабўйи ва Уралолди ва шунингдек, Россиянинг турли ҳудудларидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда бошқа миллатлар қатори кўплаб татар ва бошқирларнинг тинимсиз келиши империяни жиддий ташвишга сола бошлаган. Чунки, уларнинг ташрифи маҳаллий аҳолининг маънавий-маърифий соҳада уйғонишига туртки бўлиши мумкин эди. Шу боис, бошқа ҳудудлар каби Фарғона вилоятига ҳам ўзга миллат вакилларининг келиб-кетиши устидан каттиқ назорат ўрнатилиб, келгиндиларнинг ташрифлари қачон, қаерга, нима сабабдан эканлиги узлуксиз назорат остига олинган ва бу ҳақдаги маълумотлар зудлик билан империяга етказилган.

Туркистондаги сиёсий жараёнларни кузатиш ва тартибга солиш учун “Туркистон район муҳофаза бўлими” ТРМБ фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳсус жосуслик хизматини бажарувчилар ўз маълумотларини асосан, қўлёзма тарзида тезкор ёзиш ва жўнатишидан шунини аниқлаш мумкинлиги, мустамлака ҳудудларни ҳар томонлама ташқи алоқадан узиш ва турли муносабатларга кириштирмаслик энг зарур вазифа ҳисобланган. Айниқса, татар ва бошқирлар фаолияти ҳамда ташрифи билан боғлиқ хабарлар диққатга сазовор.

Туркистоннинг турли ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам татар ва бошқирларнинг фаолиятлари кенг қамровли бўлганлиги боис, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари доимий назоратда бўлган. Масалан, Симбирск губернияси жандарм бошқармаси бошлиғининг Туркистон вилояти Муҳофаза бўлими бошлиғига 1912 йил 28 январидан

¹ Шарипов Р, Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи. –Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2004. - Б.28

² Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими –Т.: Академия, 2002.-Б.156

йўллаган 5807-сонли махфий ҳатида 1911 йил Энтуган волости бошқармаси томонидан муддати чекланмаган паспорт олган Аглюлла Ҳайруллин ҳақида маълумот берилиб, уни Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида 10 йилдан буён яшаб, мануфактура дўконида приказчик лавозимида меҳнат қилиши ва сиёсий жиҳатдан текширилаётгани, Уфа губернияси бошқармаси томонидан юборилган 1912 йил 17 февралдаги 5809-сонли махфий белги остидаги ҳатда Останковская волостида рўйхатга олинган Шамсимуҳаммад Гатауллинни ўз жойида истиқомат қилмаётганлиги, Оренбург губернияси бошқармасининг 1912 йил 23 январда йўллаган махфий ҳатида Искак Муҳаммадшариповни Қўқонга кетганлиги, лекин қаерда яшаши номаълумлиги қайта-қайта текширилиб қайд этилгани¹, Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғининг 1911 йил 29 декабрда Қўқон уезди бошлиғига йўллаган 5871-сонли махфий ҳатида Қўқонда кўмир савдоси билан шуғулланувчи Лутфулла Қосимов ҳақида сиёсий қораловчи маълумотларни бор-йўқлигини зудлик билан суриштириши, Андижон уезд бошлиғининг Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғига юборган 1915 йил 2 июлдаги 4715-сонли ҳатида татар Файзулла Миннихмировни сиёсий фаолият юритиб, оммани тартибсизликка бошлаганликда айбланиб ҳибсга олингани ва Андижонда 2 ҳафта ушлаб турилганлиги ҳақидаги маълумотларни зудлик билан сўраб-суриштириши², шунингдек, Фарғонадаги “Яширин йиғилишлар”, “Машраб”, “Ғап”ларда мусулмонларни қизиқтираётган масалалар³ нимадан иборат бўлаётгани аниқлашни талаб этилиши фикримизнинг ёрқин исботи.

Туркистон сиёсий ҳаётида асосий марказлардан бирига айланган Фарғона худудининг жадидлари борган сари империя диққатини ўзига жалб этган. Дарҳақиқат, сиёсий ҳаракатлар, партиялар тузиш ва унинг дастурларини шакллантириш ишларида ҳам буни кўпроқ кузатилади.

¹ Солиев Н.К. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий анжумани материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 253

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

Масалан, таҳлил учун 1917 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Турк адами марказияти” фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Партия дастурини тузишда иштироқ этганларнинг аксарияти турли касб эгалари бўлишса-да, улар келишув асосида якдиллик билан ҳаракат қилишган. Ўз ўрнида улар Туркистон ижтимоий ҳаётида салмоқли ўринга эга шахслар ҳисобланган.

Миллий жаҳидлар қатори илғор татар ва бошқирларнинг давлат тўғрисидаги қарашларининг амалга ошмай қолишига большевикларнинг ҳокимиятни эгаллашлари тўсиқ бўлди. Бироқ шундай бўлсада, кейинчалик сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жараёнларда татар секциялари¹нинг фаолиятлари анча жонли кечди.

Бундан ташқари, татар ва бошқирларга тегишли кўчмас ва бошқа турдаги қимматбаҳо мулкларнинг олди-сотди масалалари ҳам махсус рухсат ва илтимоснома орқали амалга оширилган. Бундан кўзланган мақсад, уларнинг кенг миқёсдаги турли кўринишдаги мулкларга эга бўлмасликларни олдини олиш эди. Фарғона вилояти бошқармасининг 1905 йил 6171-сонли ҳатида Янги Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи бошқирд Яхё Муҳаммад Зариф Резванов, Ҳисамиддин Ҳусайн Бурнашев, Муҳамед Сафа Енгулашев тегишли кўчмас мулкни сотиш учун берилган муддатни чўздириш ҳақидаги илтимосномалари юборилган². Наманган уезди бошлиғи уларга бир ой муддатда мажбурий равишда мулкларини сотиб юбориш акс ҳолда ўлка судидан мажбурий даъво бериши огоҳлантирилган³.

1905 йилнинг 12 августидаги 8284-сонли ҳатда юқоридаги фуқароларнинг кўчмас мулкларини ва Фарғона вилоятининг Пешкўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Буюк британиялик Бай Мандул Арамовларнинг шу ҳақдаги илтимослари қондирилган. Уларнинг талаблари синчиклаб ўрганилиб, 1902 йилнинг 10 сентябридаги 24-сонли

¹ Қўрсатилган адабиёт. - Б. 254

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

ялпи йиғилишда қабул қилинган “Ўлкани бошқариш ҳақидаги Низом”нинг 262- моддасига биноан амалга оширилган.

Туркистоннинг кўплаб ҳудудлари каби Фарғона шаҳарларида ҳам татар муаллимлари томонидан очилган усули жаҳид мактабларнинг дастлаб ривожланмаслигининг сабаблардан бири империянинг кучли аралашуви эди¹. Маҳсус хизмат ходимлари томонидан, айниқса, хусусий мактаб очишга интилаётган татарлар фаолияти ҳам зимдан кузатилган².

Мусулмон ҳаракати бўйича маҳфий жосус “қўқонлик” сартлар Қўқонда янги очилаётган мактабга Мазитов Салоҳиддин домлани ишга таклиф қилишаётганини³, домла русларга фанатик даражада қаршилиги ҳақида маълумотлар беради. Маҳаллий аҳолининг ўқимишли татарларга нисбатан ишончи ва ҳурмати жосуслар ишини янада мураккаблаштирган.

Қўқон уезди бошлиғининг 1910 йил 25 сентябридаги 115-сонли хабарига кўра, Салоҳиддин Мазитов 10 йил янги усул мактабини юритиб маҳаллий аҳоли болаларига дарс ўтган ва 1911 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ ўқув юртлари инспекторининг фармойиши билан у татар миллатига мансуб бўлганлиги учун дарс бериш ҳуқуқи бекор қилинган, савдо-сотик билан шуғулланади⁴. Кейинчалик, Наманганда Йўлдошбой Юсупов исмли бойнинг кўлида ишлаб икки йилдан сўнг Қўқонга кўчиб кетади ва у ерда маҳсус рухсат билан фақат татар болаларигагина дарс беради. Маҳаллий аҳоли фарзандларига дарс бериши эса қатъий тақиқланади.

Туркистон генерал-губернатори девонҳонаси бошқарувчисининг ҳисоботларига кўра, бошқа ҳудудларга қараганда Фарғона вилоятида ҳукуматга қарши “Мусулмон ташкилотлари” фаолияти анча жонли бўлган. Улар Туркистон ўлкасидан ташқарида фаолият олиб бораётган татарлар билан ҳам тез-тез алоқа ўрнатишган ва сиёсий фаолиятда театрдан кучли фойдаланишган. Масалан, маҳфий ходим “Нозим” маълумотига кўра 1913

¹ Мунаввар кори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003. - Б.17.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

йил 7 июн куни Қўқондан таниқли панисломчи Қориев бошчилигида татар труппаси келган ва театрдан сўнг музоқаралар бўлиб ўтган¹.

Бундан ташқари, мулкдор татар ва бошқирдлар Туркистоннинг турли худудлари каби Фарғонанинг ҳам турли манзилларида маиший хизмат уйлари очиб, шифокор, дўкондор, мулла ниқоблари остида фаолият олиб боришган. Масалан, 1912 йилдан буён Андижонда Ҳожи Соғитнинг кичик дўкончаси борлиги, у маҳаллий аҳолини Туркиянинг қарамоғи остида русларга қарши тарғиб қилаётгани жосуслар томонидан узоқ вақт текширилади².

Қўқон уезд бошлиғининг Туркистон генерал-губернаторига йўллаган 1909 йил 5 февралда мутлоқ махфий белгиси остидаги маълумотига кўра, татарлар томонидан маҳаллий аҳолининг амалдор шахсларидан мусулмон ташкилоти “Мусулмонлар иттифоқи” учун пул маблағлари жамғарилган. Мазкур тадбирга татар Абдул Самид Ҳомидий бош-қош бўлган. Шу боис, Қўқон уезди бошқарувчиси томонидан татар Шоҳозод Қодиров ва Абдул Самид Ҳомидийларнинг уйларида тинтув ишлари олиб борилган ва бу икки шахс ҳибсга олинган³. Шоҳозод Қодиров ўз пайтида Андижон ва Қўқонда ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бирга жаидлар раҳномоси Исмоилбек Гаспринский билан яқин алоқада бўлган⁴.

Татар ва бошқирдларнинг Фарғона вилоятидаги иқтисодий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий ҳаракатлари сермахсул бўлганлиги боис кенг камровли фаолиятлари узлуксиз кузатиб борилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта таъсир кучига эга бўлган татар ва бошқирдлар Туркия, Афғонистон, Англия каби турли давлатлар билан олиб борган яширин фаолиятлари учун кўплаб юрт тараққийпарварлари қатори кейинчалик пантуркист, панисломист ниқоби остида йўқотиб юборилди⁵. Бироқ кучли тазйиқлар бўлишига қарамай, Туркистоннинг энг қайноқ нуқтаси

¹ Солиев Н.К. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 255

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002. - Б.75

хисобланган Фарғонадаги миллий ҳаракатлар ривожда татар ва бошқирдларнинг ўрни ва роли беқиёс бўлган.

1.4. Фарғона водийси шаҳарларнинг империя томонидан бошқарилиши

1867-1886 йилларда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий-худудий бирликлар – округлар, бўлимлар ва районларга бўлинган эди. Қўқон ҳонлиги тугатилиши муносабати билан Фарғона водийси маркази Янги Марғилон бўлган Фарғона вилояти номи билан губернаторлик таркибига киритилди. Фарғона вилояти худудида Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездлари бўлиб, улар билан бир вақтда Чимён (1879 йилдан Исфара) уезди тузилган эди, унинг худуди 1881 йили Қўқон ва Марғилон уездларига бўлиб юборилди. Фарғона вилоятида энг куйи бўғин волость (вўлис, бўлис) ва юқориси эса генерал-губернатор бўлган. Генерал-губернатор ҳарбий вазирга бўйсунган. Ўз навбатида Туркистон генерал-губернатори подшо ёрлиғи ва умумимперия конунларига кўра, чексиз ҳокимият ва ваколатларга эга бўлган. Туркистон генерал-губернаторига ўз навбатида Бухоро амирлиги, Ҳива ҳонлиги итоат қилиб унга яна Туркистон генерал-губернатори Кенгаши, Туркистон ҳарбий округи раҳбарияти, генерал-губернатор маҳкамаси, генерал-губернатор ёрдамчиси, Туркистон район муҳофаза бўлими итоат қилган. Ҳарбий губернаторлар, шу жумладан, Фарғона ҳарбий губернатори генерал-губернатор маҳкамасига бўйсунган.

Вилоятлардаги маҳаллий маъмуриятни ҳарбий губернаторлар бошқаргани юқорида айтилди. Улар, ўз навбатида, шу вилоятда жойлаштирилган қўшин сонидан келиб чиқиб, корпус ёки дивизия қўмондони мақомига ҳам эга бўлган. Ҳодимлар Ҳарбий вазир, Ички ишлар вазири, Туркистон генерал-губернатори билан олдин келишилган ҳолда

подшо томонидан лавозимларга тайинланган ва бўшатиладди¹. Ҳарбий губернатор кўлига маъмурий, полиция, судлов ва ҳарбий ҳокимият берилган эди. Ҳарбий губернаторга ёрдамчиси, Вилоят Маҳкамаси бошлиғи маслаҳатчилари, полицмейстер, вилоят маҳкамаси бошлиғи ва туманбошилар итоат қилганлар. Туманбошиларга эса шаҳар ҳокимияти бошлиқлари ва бўлим (участка) приставлари бўйсунган.

Вилоят бошқаруви раиси вазифасини ҳарбий губернатор ёрдамчиси бажарар эди. Вилоят бошқарувлари маъмурий, судлов, полиция, молия ва хўжалик юритиш вазифаларни бажарган. Шу бошқарув яна шаҳарлардаги бўлимларда такрорланган.

Вилоятдаги уезд бошқаруви эса уезд бошлиғи, катта ва кичик ёрдамчиси, шаҳарбошилари, обер-офицер, участка (бўлим) приставидан иборат эди. Приставга волост бошлиғи итоат этган. Уезд бошлиғи бир вақтнинг ўзида исправник, полицмейстер, земство бошлиғи, шаҳар ҳокими, ер-хизмати раиси ҳам бўлган². Уезд бошлиғи бетоб ёки йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини ёрдамчилари бажарарди. Маъмурий ишлар бўйича ёрдамчи одатда, уезд канцеляриясини бошқарарди³. Вилоятнинг биринчи ҳарбий губернатори Қўқон хонлигини босиб олишда “катта жонбозлик кўрсатган” М.Д. Скобелев тайинланди. Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғи билан 1876 йил 18 мартда вилоят бошқармаси тузилган. Вилоят бошқармаси бошқарув, хўжалик, суд, қурилиш, ўрмон бўлимларидан иборат бўлган. Кейинчалик Фарғона вилоятида ўртача 4 йилдан хизмат қилган 10 киши алмашган. Булар – А.К. Абрамов, Н.А. Иванов, Н.И. Корольков, Повало-Швейковский, Чайковский, Г.А. Арендаренко, Сусанини, В.И. Поқатила, А.И. Гиппиус.

Ҳарбий губернаторлар, одатда, Ўрта Осиё бўйлаб ҳарбий юришларда ўзини кўрсатган, Туркистоннинг тинч шаҳар ва қишлоқларини

¹ Мамадалиев Х. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 217

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

ишғол қилишда “алоҳида маҳорат” кўрсатган офицерлардан тайинланар эди. “Ана шундан 5-6 йиллик ҳизмат давомида поручик ва штабс-капитанлар генерал-майор ёки генерал-лейтенантга айланишарди. Уларнинг маоши бир йилда 12 мингдан 15 минг рублгачани ташкил этар, бу эса Марказий Россиядаги губернаторларникидан 2 баравар кўп эди”¹.

Рус маъмурияти таркибида авваллари, асосан, дворянлар, XX асрнинг бошларига келиб турли табақа вакиллари, чаласавод ва лаёқатсиз кишиларни ҳам ишга қабул қилинган ҳоллар ҳам учрайди. Саводхонлик жаҳатидан мустамлакачи амалдорлари олий маълумотли, ўрта ва энг қуйи таълим муассасаларини битириб чиққан ёки уйда таълим олган шахслар, уй таълими эса грамматика ва арифметиканинг тўрт амални билишдан иборат бўларди².

Туркистон ўлкаси ва вилоятларида ишлаётган барча амалдорларнинг ойлик ёки йиллик маошлари марказий Россия губернияларида ишлаётган шу амалдаги чиновниклардан 2 баравардан 10 бараваргача кўп бўлган³. Бошқарув тузилмаларига нисбатан ижтимоий соҳада мустамлакачилар ҳукумати томонидан амалдорлар чуқур томир отиши ва “Туркистон”ни тарк этмаслиги учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳукумат фармойишига кўра барча рус амалдорларига ҳизматнинг биринчи беш йили учун асосий маошнинг 20фоизини, иккинчиси учун 40фоизини, учинчиси учун 75фоизини ташкил этувчи қўшимча маош ҳам тайинланган эди. Ўлкада 20 йил ҳизмат қилганлар эса маошнинг тенг ярмида, 25 йил ҳизмат қилганлар эса бутун маош миқдорида нафақа олишган. Ҳар йили 28 кун, бир ярим йилда бир мартаба 2 ой ва уч йил мобайнида бир марта 4 ой, фақат ватанига ёки хорижга жўнаб кетганида таътил берилар эди⁴. Бундан ташқари ҳам амалдорлар мақом ва даражаларига қараб бошқа имтиёзларга ҳам эга бўлишган.

¹ Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. - Б.172.

² Зайончковский П.А. Правительственный аппарат самодержавной России в XIX в: Москва, 1978. – С. 25

³ Ўша жойда.

⁴ Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. - Б.207.

Вилоятлардаги уезд ва волостларда штабс-капитанидан то полковник унвонига эга бўлган зобитлар хизмат қилишган. Улар Россиянинг марказий шаҳарлардан, ички губернияларидан, асосан ҳарбий билим юртларини турли шаҳарларда ва турли ҳарбий йўналишларда ўқиган кишилар бўлган. Уезд бошлиқларининг ёрдамчилари ва участка приставлари ҳар ҳил – дворян, мешчан, руҳонийлар табақаларидан чиққан эдилар. Улар орасида ўқув юртларида тўлиқ курсни тугатмаган, аммо, одатда, Туркистон ҳарбий округи ҳузурида офицерликка ўтказишда имтиҳонларни топширган кишилар ҳам учрайди¹.

Вилоят бошқармасига 1867 йилги “Низом” лойиҳасига мувофиқ вилоятдаги фуқаролик ишлари билан машғул бўлиш топширилади. 1876 йил 14 ноябрда Кауфман фармонига кўра вилоят бошқармаси фаолиятида 1873 йилги Низом лойиҳаси бўйича иш юритиш жорий қилинади. Шу билан ўлкада мустамлакачилик тузумини мустаҳкамлаш сиёсати олиб борилиб, ерли аҳоли устидан назорат кучайтирилди. Суд ишларида олдинги 1867 йилги Низом лойиҳаси тартиблари сақланиб қолган эди².

Суд, назорат ва ғазна палатаси органлари томонидан ҳам уезд бошлиқлари шаънига уларнинг сўровларини инобатга олмасликка ва иш юритиш ёмон ташкиллаштирилганига ишора этувчи кўплаб эътирозлар бўлган. 1895 йили Фарғона вилоятининг беш уезди тафтиши бўйича ҳисоботларда иш юритиш қонун талаб қилувчи тартибда эмаслигига, бошқарув, айниқса, пул муомаласи бошқаруви катта тартибсизликда эканлиги кўрсатилган. 1908 йили Наманган уезд бошқарувида ҳали 1882 йилдаёқ ўтказилган назорат палатаси суд чегирмаларининг 47 таси ижро этилмагани аниқланган³.

Уезд бошлиқлари волост бошқарувчиларини тайинлаш ва ишдан олиш ҳуқуқидан ҳам ўз манфаатлари учун кенг фойдаланишган. Фарғона вилояти волост бошқарувчилари рўйхатларининг 1903 йил 1 сентябрдаги

¹ Мамадалиев Х. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 219.

² Ўша жойда.

³ Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. - 214-215 varaқлар.

маълумотларига қараганда, Андижон уездидаги 20 волост бошқарувчисидан 15 нафари, Марғилон уездида 19 тадан 14 нафари, Қўқон уездида 23 тадан 12 нафари, Наманган уездида 31 тадан 17 нафари тайинловга кўра ишлаган, Ўш уездида эса 12 уезд бошлиғидан 10 нафари ҳеч қандай сайловсиз тайинланган эди. Шу маълумотларни келтирган К.К.Пален сохталаштирилган сайловларни қоралаб “ҳаракат ваколатлари доираси ва ўлканинг маҳаллий ва рус аҳолисига нисбатан жазолаш ҳуқуқларининг кенглиги маҳаллий маъмурият орасида коррупция ва суистемол қилиш ҳолларининг кучайишига катта йўл очиб берди”, дея тан олишга мажбур бўлган эди¹.

Мустамлакачиликнинг салбий оқибатларидан бири бу ичкиликбозлик, тамаки чекишнинг кенг тарқалиши, фоҳишаликнинг авж олиши ва тери-таносил касалликларнинг тарқалиши бўлган. Бундай курсурлар ўша давр матбуоти саҳифаларида ҳам кенг ёритилган².

31 август 1905 йили Андижон хўжалик бошқармаси ўз мажлисида шаҳарда 1906 йили кучли ичимликлар сотадиган муассасалар очилиши масаласини муҳокама қилган. Мажлисида Андижон зилзиласидан кейин қурилган 115 уйдан, 38 таси спиртли ичимликлар сотиш учун мослаштирилгани айтилган. “Барча бу муассасаларнинг савдоси жуда жўшқин ва чаққон ва, албатта, улар фақат рус аҳолига эмас, балки олти минглик маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатади. Ёш авлод ёппасига ичади. Улар бунга ширкатлардан олинган закат, оталари ва ворислари пулларини ҳам сарф этадилар. Бундай ҳолат умуман қониқарсиз, чунки бу ахлоқан пок бўлган қолган маҳаллий аҳолини бизга қарши қилиб қўяди. Бундай муассасаларнинг 2/3 қисми кавказликлардан бўлмиш грузин ва арманларга тегишли. Улар ҳар қандай воситалардан фойдаланиб ерли аҳолини шу жойларга жалб қилмоқчи бўладилар. Ҳофизалар, рақосалар, суюқоёқ аёллар уларнинг хизматида”³, дейилади мажлис баённомасида.

¹ Кўрсатилган адабиёт.

² Ўша жойда.

³ Мамадалиев Х. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Иккинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 220.

Мажлисида қатнашган доктор коллеж маслаҳатчиси Мали эса охириги бир ярим йилда маҳаллий аҳоли ўртасида тери-таносил касалликларнинг анча кўпайганини айтган.

II БОБ. XIX АСРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ САВДО–САНОАТ ШАҲАРЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

2.1. Фарғона водийси шаҳарларига рус ва чет эл сармоясининг кириб келиши

Фарғона водийсининг аҳолиси шарқий мамлакатлар билан савдо алоқасини давом эттириш билан бирга, XVII асрдан бошлаб Россия билан савдо алоқалари ўрната бошлади. Пахта, ипак, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, ҳунармандчилик буюмлари Россияга ташилди. Россиядан эса Фарғона водийсига саноат моллари юборилди.

1875 йилда Фарғона водийсига чор кўшинлари кириб келди, кейинги йили эса Қўқон хонлиги тугатилди, 1875 йилнинг сентябрида Марғилон, 1876 йилнинг феврилида Қўқон хонлиги расмий равишда Россия империяси таркибига қўшиб олинди. Унга Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган ва бошқа уездлар кирди.

Бутун Ўрта Осиё сингари Фарғона водийси Россия билан иқтисодий алоқаларга тортилди. Россиянинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиши ушбу минтақани империянинг ҳом ашё манбаига ва рус саноати маҳсулотларининг бозорига айлантиришдан иборат бўлди. Ушбу мақсадда рус генерал-губернаторлари Ўрта Осиёга рус савдо-саноат ва молиявий сармояларнинг кириб келиши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратишди.

Фарғона вилояти Ўрта Осиёнинг асосий пахтачилик ҳудудига, пахта маҳсулотлари етиштирадиган ҳудудига айланди. XIX асрнинг 70-80 йилларида Ўрта Осиёда, шу жумладан Фарғона водийсида, Н.Н.Коншин, Т.С.Морозов, Н.П.Кудрин, А.Г.Кузнецов ва бошқа рус савдогарлари ва тадбиркорлари савдо операцияларини амалга оширардилар. Рус молиялари билан биргаликда чет эл сармоялари ҳам минтақага аста-секин кириб келди.

Пахтани ҳарид қилиш ва дастлабки ишлов бериш бўйича фаолиятни Ярославль Катта Манфактураси ширкати олиб борди. Ширкат Ўрта Осиёда, шу жумладан, Андижон уездида, пахта далаларига эга эди. Бундан ташқари, 16 та пахта тозалаш заводида эгалик қиларди. Ширкатнинг заводлари ва идоралари Қўқон, Андижон, Янги Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда мавжуд бўлганди. 1915 йилда ширкат “Беш-Бош” бирлашмасига кирди¹.

1880 йилдан бошлаб “И.К.Познанский” (Лодзь шаҳри) ҳиссадорлик жамияти Ўрта Осиёдан кўплаб пахта ҳарид қилди. 1890-1897 йилларда ҳар йилги ўртача ҳариди 1120000 пудни ташкил қилган бўлса, шулардан 620 минг пуди Фарғона вилоятига тўғри келарди².

“Ака-ука Шлосберглар” савдо уйи ҳам 1888 йилдан бошлаб кўплаб миқдорда пахта ҳарид қилди ва Андижон, Қўқон, Наманган, Асакада ўз идораларига эга эди. Пахтани тозалаш ва пресслаш ишларини 12 та ижарага олган заводларда амалга оширди.

¹ Холлиев А. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 236.

² Ўша жойда.

1841 йилдан Москвада истиқомат қилган немис барони Л.Г.Кноп асос солган “Л.Кноп” савдо уйи XIX асрнинг 90-йиллардан бошлаб Ўрта Осиёда пахта билан боғлиқ операцияларини амалга оширди. Савдо уйи Наманган ва Андижонда ўз бўлимларини очди, Қўқон уездида 355000 пуд¹ ишлаб чиқарадиган иккита пахта тозалаш заводини ҳарид қилди. 1912 йилда “Л.Кноп савдо уйи” Потеляхов савдо-саноат ширкатига таъсисчилик қилди. Ширкат Қўқонда, Андижонда, Фарғонада, Наманганда, Эски Марғилонда 7 пахта тозалаш, ёғ ва совун заводларига эгалик қилди.

Ўрта Осиёда пахта савдоси билан “Владимир Алексеев” номли саноат ва савдо ширкати шуғулланарди. Ширкат 1895 йилдан пахта тозалаш заводларини қуришни, ер участкаларини сотиб олишни, маҳсулот омборларини ҳарид қилишни бошлади. 1905 йилга келиб ширкат қўлида Андижон, Янги Марғилон (Фарғона) ва Чустда пахта тозалаш заводлари, Андижон ва Қўқонда идоралари бор эди. 1905-1910 йилларнинг ўзида ширкат Фарғона вилоятида 250-350 минг пуд пахта сотиб олди².

Ўлкада пахта савдоси ва пахта тозалаш саноатида банклар муҳим ўрин эгаллади. Улар орасида Петербург банклари, айниқса – Рус-Осиё банки етакчилик қилди. 1910 йилда банк пахта ҳом ашёси эвазига ссудалар берди. Қўқонда – 1,5 млн. рубллик, Андижонда – 1,5 млн, рубллик, Наманганда – 1 млн. рубллик ва бошқа³.

Ўрта Осиёдаги ёғ ишлаб чиқариш саноати, асосан, Фарғона вилоятида ривож топди. Пахта ёғ саноатига кириб келишга америка сармойеси ҳам уриниб кўрди. 1900 йилда чор ҳукумати Уильям М.Фицхьюга Андижонда ёғ заводини қуриш учун ер участкасини ҳарид қилишга рухсат берди. Заводда ҳар йили 1,5 млн. пуд пахта уруғлигини қайта ишлаш, 1 млн. рубллик сармойани ўзлаштириш ва 100 ишчи

¹ Ўша жойда.

² Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX – начало XX в.). – Т., 1987, - С. 38

³ Ўша китоб, - Б. 41.

жойларини ташкил этиш кўзда тутилганди¹. Лекин кейинчалик Фицхьюнинг ўзи завод қурилишини рентабелсиз деб топди.

1901 йилда Немис ҳиссадорлик жамияти ёғ саноатига кириб келмоқчи бўлди. Аммо, Туркистон генерал-губернатори бунга рухсат бермади. 1900, 1902 ва 1907 йилларда К.М.Соловьевнинг Чуст, Наманган ва Андижонда 7 пресс билан жиҳозланган ёғ заводлари қурилди. 1902 йилда Наманганда “Зигель ва Рейногаген” савдо уйининг 2 пресси ёғ заводи очилди. 1904 йилда ушбу фирма Федченко станциясида 4 пресси ёғ заводи қурди, Наманган заводида эса яна 1 пресси қўшди.

1910 йилга келиб Фарғона вилоятининг ўзида 13 та ёғ заводи мавжуд эди. Уларда 39 дона гидравлик пресси ўрнатилганди. Умумий ишлаб чиқариш ҳажми 1350000 пуд тозаланган ёғни, 3 млн.пуд кунжарани, 4,5 млн. пуд пўстни ва 135 минг пуд линт пахтасини ташкил қилди².

Ишлов бериш саноатининг бошқа тармоқларида рус ва чет эл сармояси устунлик қилди. Асосан, бундай ҳолат чорвачилик ҳом ашёсини ишлаш билан боғлиқ эди. Ушбу тармоқлар бутун Туркистон саноатининг ишлаб чиқаришида тўртинчи ўринда турарди ва 3768672 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарарди.

Ичак тозалаш, чарм ва жун тозалаш тармоқларида немис сармояси муҳим ўрин эгаллаганди (1914 йилгача). Туркистонда, шу жумладан, Фарғона вилоятида, Г.В.Дюршмидт, Р.Ф.Шуберт, Ц.А.Гентшель, Л.Зальм фаол тадбиркорлик ишларини олиб бордилар. Жумладан, Луи Зальм бошчилигидаги ҳиссадорлик жамияти ичак тозаловчи ва чарм заводлари ҳамда маҳсулот омборларига Марғилон, Андижон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда эга эди. 1914-1915 йилларда “Луи Зальм” жамиятининг асосий кредиторлари Рус-Осиё банки, Филадельфиянинг “Таберс филд ва К^о” ҳамда немис фирмалари эди.

Саноатнинг ривожланиши ва темир йўлларнинг қурилиши ёнилғи базасини кенгайтириш заруратини келтириб чиқарди. Аммо, XX асрнинг

¹ Ўша жойда.

² Кўрсатилган адабиёт.

бошигача нефть ва кўмир тармоқлари кам ривожланганди. Чор хукуматининг минтақадаги иқтисодий сиёсати чет эл сармояларини ўлкага кириб келишини чекларди. Чет элликларга бу ерларда кўчмас мулкка эгалик қилиш ва тоғ ишлари билан шуғулланиш ман этилганди.

Вазият 1906 йилдан бошлаб ўзгарди. Фарғона вилоятининг нефт саноатида рус ва чет эл сармоялари асосий ўрин эгаллади. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ, Фарғона вилоятида Д.Петровнинг бир неча конлари пайдо бўлдики, уларда 1884 йилда 6 минг пуд нефт ишлаб чиқарилди. 1913-1916 йилларда Фарғонада ишлаб турган 6 та нефт конларидан иккитаси рус сармоясига (“Чимион” жамияти – “Ака-ука Нобеллар” жамиятига ва “Санто” жамияти – Рус-Осиё банкига) ва битта жамият – “Майли-Сой” – инглиз сармоясига тегишли эди. Биринчи иккитасига Фарғонада топиладиган нефтнинг асосий қисми тўғри келарди (1913 йилда 98фоиз, 1914 йилда – 93фоиз, 1915 йилда – 96фоиз, 1916 йилда – 97фоиз)¹. Ўрта Осиё тоғ кон саноатининг бир қатор тармоқлари рус ва чет эл сармояси назорати остида эди.

XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона вилоятида Д.П.Петров томонидан озокерит ишлаб чиқариш ташкил этилганди. Унга Наманган уездида 5 та кон тегишли эди ва бу ерларда 1889 йилда 500 пуд озокерит чиқарилди.

1915 йилда Азов-Дон банки назорати остида бўлган “Люборад” жамияти Фарғонадаги озокерит участкасининг эгаси Лерх ва “Фарғона” жамияти билан 1925 йилгача улар томонидан ишлаб чиқариладиган бутун озокеритни ҳарид қилиш тўғрисида шартнома имзолади. “Фарғона” жамияти “Люборад”-га энг ками 10000 пуд озокерит² етказиб туриш мажбуриятини олди. 1917 йилнинг апрелида “Люборад” жамияти “Фарғона” тоғ саноати жамиятининг барча ишини бор мулки билан бирга сотиб олди.

¹ Ўша китоб, - Б. 93.

² Ўша китоб, - Б. 96.

Рус сармоядори П.С.Назаров Бельгияда аноним “Туркистон саноати жамиятини (Назаров ва К^о)” ташкил этди. П.С.Назаровдан ташқари, ушбу жамиятнинг ҳиссадорлари 27 бельгиялик молиявий ва саноат жамиятлари, банкирлар, биржа маклерлари ва бошқалар бор эди.

1902 йилда Назаровга Наманган уезди Бободархон волостининг 2 участкаси мис ишлаб чиқариш учун берилди. Ўша йилнинг сентябрида ушбу конлар негизида жамиятнинг мис ишлаб чиқарадиган заводи ишлай бошлади. Ушбу завод учун машиналар Бельгия ва Германияда, лоқомобиллар ва вентилятор Англияда, трансмиссиялар, вагонеткалар, сув узатиш меҳанизмлари Россияда ишлаб чиқарилганди. Дастлаб завод кунига 700 пуд мис рудасини қайта ишларди¹.

1908 йилда инженер С.Е.Палашковский ташаббуси билан “Ноёб металллар ишлаб чиқаришнинг Фарғона жамияти” ташкил этилди. Жамият 1909 йилдан ўз операцияларини бошлади ва 20000 пуд мис рудасини ишлаб чиқарди. Руда жойларда қайта ишланмади, балки Петербургдаги маҳсус тажриба фабрикасига юборилди. Қайта ишлаш натижасида олинган феррованадий чет элга юборилди. 1910 йилда 16000 пуд мис рудаси чиқарилди, 1912 йилда эса – 8000 пуд, 1913 йилдан жамият мис рудасини ишлаб чиқаришни тўхтатди. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун жамиятга маблағ етмади.

2.2. XIX аср охири – XX аср бошларида Андижон шаҳрида савдо муносабатлари

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва унинг таркибида 1876 йил Фарғона вилоятининг ташкил топиши, вилоят шаҳарларида, жумладан, Андижон шаҳрида Россия билан савдо муносабатларига кенг йўл очиб берди.

Россияда 1861 йил реформасидан кейин капиталистик ишлаб-чиқариш муносабатлари тез суратлар билан ривожлана бошлади. Оқибатда

¹ Холлиев А. Мустахлак даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Иккинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б 238

ислоҳотдан илгари чет эл капитали кенг кўламда кириб келган мамлакат ҳисобланган Россия эндиликда капитал чиқарувчи давлатга айланди. Россия капитали Ўрта Осиёга, жумладан, Фарғона вилояти шаҳарларига ҳам кириб кела бошлади. Бу эса шаҳарларнинг иқтисодига таъсир кўрсатди ва қатор ўзгаришларга сабаб бўлди. Пахтачилик тараққий этди, темир йўллар қурилди ва у Андижонгача етказилди. Мустамлака характерида бўлса ҳам, янги типдаги завод-фабрикалар вужудга келди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ҳаётига ўз таъсирини ўтказди ҳамда ички ва ташқи савдонинг ривожланишига олиб келди. 1875-1876-йилларда Андижонга турли жойлардан ва жумладан, Россиядан келтирилган молларнинг умумий миқдори 466 минг сўмни ташкил этган бўлса, шу даврда Андижондан 520 минг сўмлик моллар олиб кетилган¹.

Андижонга келтирилган моллар, асосан, куйидагилардан иборат эди: мануфактура моллари, мовут, шойи буюмлар, салла, кигиздан тўқилган гиламлар, тери, темир ва мис буюмлар, чой, қанд, бўёқлар, никель. Андижондан олиб кетилган молларни эса пахта, ҳом ипак, мато, ҳалатлар, от ёпқичлар, пойафзал, ҳомутлар, эгар-жабдуклар, буғдой, гуруч, жўҳори ва бошқаларни ташкил этган. Андижонга Ўш, Марғилон ва вилоятнинг бошқа шаҳарлардан кўплаб товарлар олиб келинган. Андижон уезди бошлиғи 1878 йил 14 февралда Фарғона вилоят бошқармасига ёзган рапортида: “Андижон шаҳрига чет элдан мануфактура товарлари бутунлай келтирилмаган, бозорда эса факат маҳаллий товарлар ҳамда Россиядан келтирилган мануфактура моллари сотилади” деб ёзган эди.

Архив маълумотларига кўра, 1877 йил Андижонга чит, сурп ва полотно 20756 сўмлик, самовар 3792 сўмлик, темир 5112 сўмлик, чой 2500 бўёқлар 1246 сўмлик ёки ҳаммаси бўлиб 33406 сўмлик товар келтирилган².

Андижон шаҳри Фарғона вилоятини Россия билан бўлган савдо алоқаларида катта роль уйнаган. Чунончи, 1883 йилда Фарғона вилоятининг савдо обороти олиб келинган моллар ҳисобига 6345039 сўмни

¹ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СП- Б., 1982 г. При- Бавление X. – С 45.

² Шарафиддинов.А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири-XX аср бошлари) I-китоб. Тошкент, 2013 - Б. 55.

ташкил этган бўлса, шундан Андижон ва унинг уезди ҳисобига олиб келинган товарлар 363561 сўмни ва олиб кетилган товарлар 47239 сўмни ташкил этган¹.

1884 йил эса олиб кетилган товарлар 15727 сўмни, келтирилган товарлар эса 193440 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари Андижон уездида ҳайвон билан савдо қилиш кучли бўлган. Масалан, шу йили 39600 бош ҳайвон сотилган.

Шуни айтиш керакки, Андижонга келтириладиган товарлар йилдан-йилга системали равишда ортиб борган. Буни биз 1877- 1895 йиллардаги материаллардан кўришимиз мумкин. Масалан, 1877 йилда Андижонга 44000 сўмлик, 1878 йилда 63000, 1879 йилда 86000, 1880 йилда 118000, 1884 йилда 163000 сўм, 1895 йилда 271000 сўмлик товар келтирилган³.

Демак, 1877 йилдан 1895 йилгача бўлган 18 йил давомида Андижонга келтирилган товарлар суммаси 6,5 баробарга ортган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Фарғона вилояти бутун Туркистон ўлкасида етиштириладиган пилланинг 80-90 фоизини берар эди. Бу эса ўз навбатида Андижон шаҳри ва уездида ҳам пиллачиликнинг ривожланишига олиб келди. Чунончи, шаҳардаги 7648 ҳовлидан 1231 таси ёки 26,7 фоизи, пиллачилик билан шуғулланар эди².

Бутун ўлкада бўлгани сингари Андижонда ҳам пиллачилик билан асосан, аёллар шуғулланарди. Масалан, 1904 йилда Андижонда пиллачилик билан шуғулланувчи аёллар сони 2000 кишини ташкил этган³.

Зеро, шундай экан, Андижон уезди хўжалигида пиллачилик ҳам пахтачилик билан бир қаторда муҳим роль ўйнаган ва шойи, пилла, ҳамда ипак билан савдо қилиш ҳам Андижоннинг иқтисодий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шойидан тайёрланган товарлар фақат Бухородагина чиқарилиб қолмасдан, балки Фарғона вилоятининг бошқа уездларига ҳам

¹ Ўша жойда.

² Шарафиддинов.А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири-XX аср бошлари) I-китоб. Тошкент, 2013 - Б. 55.

³ Ўша жойда - Б.56.

чиқарилган. Чунончи, 1885 йил 1200 пуд шойи, 4800 пуд ҳом ипак ва 1000 пуд пилла Андижондан олиб кетилган.

Аста-секин бутун ўлкада бўлгани сингари Фарғона вилояти ва унинг шаҳарларида савдо интенсив равишда ривожланиб борди. Масалан, 1893 йил Фарғона вилояти губернаторининг ҳисоботида “...вилоят аҳолисининг савдо фаолияти йилдан-йилга жонланиб бормоқда. Хусусан, бу жонланиш ташқи савдога, унинг асосий предмети бўлган пахта ҳисобига бўлиб, у Россиянинг Европа қисмларига экспорт қилинади” деб ёзилганди¹.

Темир йўл қурилгунгача бўлган даврда Андижондан пахта, пилла ва бошқа турли товарлар Қўқонга олиб келинар ва у ердан Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарлари ва Россияга олиниб кетиларди. Масалан, Андижон уезди бошлиғи 1893 йил 19 майда Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига берган рапортида “Андижондан ҳар йили Қўқонга 600 минг пуд турли ҳилдаги дон, 500 минг пуд тозаланган пахта, 15 минг пуд тери, 10 минг пуд қуритилган мевалар, 6 минг пуд тамаки, 5 минг пуд юнг, 1 минг пуд шойи ва 15 минг пуд таран ҳаммаси бўлиб 115100 пуд турли ҳил маҳсулотлар олиб борилган” деб ёзади².

Бундан ташқари, Андижон шаҳри ва уездидида маҳаллий савдо ҳам ривожланиб борди. Андижон шаҳри стационар (мунтазам) савдо буйича асосий марказ ҳисобланган. Бу ерда кўп сонли дўконлардан ташқари, кўплаб карвонсаройлар ҳам бўлиб, уларнинг баъзилари савдогарлар учун бошпана вазифасини бажарган бўлса, баъзилари товарлар сақланадиган омборларга айланган эди. Одатда карвонсаройлар бой савдогарлар томонидан қурилиб, уларнинг номи билан аталган.

1877 йилда Андижонда сабзавотлар билан савдо қилувчи 10 та дўкон, гўшт билан 20 та, нон билан 20 та, озиқ-овқатлар билан 63 та, ҳалатлар билан 21 та, эгар-жабдуқлар билан 25 та, маҳаллий усталар тайёрлаган идиш-товоқлар билан 44 та, пойафзал билан 10 та, мануфактура

¹ Ўша жойда - Б.56.

² Шарафиддинов.А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири-XX аср бошлари) I-китоб. Тошкент, 2013 - Б. 57.

товарлари билан 38 та, газламалар билан 6 та, ҳар ҳил майда товарлар билан 45 та, бўёқлар билан 10 та, гуруч билан 15 та, асал билан 5 та, совун билан 12, зигир ёғи билан 6 та, арқонлар билан 11 та, маҳаллий майда темир буюмлар билан 5 та, козонлар билан 20 та, шойи билан 20 та, пичоқ билан 8 та, китоб ва қоғоз билан 4 та, шолча ва гилам билан 10 та, куритилган мевалар билан 20 та ва бошқа турли ҳил товарлар билан савдо қилувчи 49 та дўконлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси 573 тани ташкил этар эди¹.

1897 йилга келиб эса шаҳарда ҳаммаси бўлиб 1646 та дўкон ва 22 карвонсарой бор эди.

Савдо муносабатларининг ўсиб бориши натижасида Андижон уездида 20 та бозор-савдо пунктлари ташкил топди. Бу пунктларда ҳафтанинг маълум кунлари бозор бўлиб, у ерга турли жойлардан ва атроф қишлоқлардан савдогарлар ва аҳоли келиб савдо қилишарди. (Бу даврда 1 ҳафтада 2 ва 3 мартадан бозор кунлари белгиланган).

Бозорлардаги дўконлар сони ҳар ҳил бўлиб, бозорнинг катта-кичиклигига караб 50 тадан то 350 тагача бўлган. Бозор кунлари эса савдогарлар сони бир неча марта ортган. Уездеги бозорлар ичида энг каттаси Ўзган бозори ҳисобланарди. Бу ерда 1910 йилда 340 та доимий дўкон ишлаб турарди. Кейинги ўринларда Қўқонқишлоқ, Тўда, Ойим, Избоскан, Жалолобод ва бошқа қишлоқларда ҳам савдо дўконлари 150 тадан 220 тагача бўлган. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ аҳолиси савдоси дала ишлари бошланган пайтда бир оз тўхтаган бўлса ҳам, бозор уларнинг катта даромад манбаи ҳисобланарди. 1910 йил уларнинг йиллик умумий даромади 2 миллион сўмдан ортиқни ташкил этган².

Товар-пул муносабатлари ва ички бозорнинг вужудга келиши жараёнида қишлоқ шаҳар бозори билан яқинлашиб, боғланиб, улар ўртасидаги алоқалар кучайиб борди. Зеро, Андижон савдогарлари қишлоқ

¹ Ўша жойла - Б. 57.

² Шарафиллинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири-XX аср бошлари) I-китоб. Тошкент, 2013 - Б. 58

бозорларида шаҳар ҳунармандларининг турли-туман маҳсулотларини, яъни рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалик асбоблари ҳамда фабрика маҳсулотларини сотиб, ўз навбатида шаҳар аҳолиси учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва шаҳар ҳунармандлари, саноат корхоналари учун керакли ҳом-ашёни ҳарид қилиб кайтганлар. Ёки аксинча қишлоқ савдогарлари ўз маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотишлари ҳам мумкин эди.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда майда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, бозорнинг ўзида олиб сотарларнинг кўлига тушиб қоларди. Бу ҳақда «Закаспийское обозрение» газетаси шундай маълумот беради: “Қизиғи шундаки, бу ўзига ҳос ярмаркаларга (шаҳар бозорига – Андижон шаҳрига) майда ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари билан аробаларда (ким пиёз, ким ўтин ва бошқа турли маҳсулотлар билан) келадилар. Андижоннинг эски бозорида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни бевосита ишлаб чиқарувчи билан харидорлар учрашадилар. Лекин бозорга келган маҳсулотларнинг жуда кўп қисми олиб сотарлар кўлига тушади ва улар янги ва эски бозорда дўконларига эга бўлгани ҳолда бу маҳсулотларни 2-3 марта ортиқ баҳо билан сотадилар¹”.

Капитализмнинг ривожланиб бориши жараёнида бу қонуний ҳол ҳисобланади. Чунончи, 1901 йилда олиб сотарлар 100 дона тухумни 1 сўм, 1,20 тийиндан олиб, 1 сўм 80 тийин ёки 2 сўмдан сотганлар. Шунинг учун ҳам “Закаспийское обозрение” газетаси “ҳаддан ташқари қимматчилик, Андижонда шубҳасиз факт ҳисобланади” деб ёзганди.

Чунки бир фунт писта 25-30 тийин, бир фунт оқ нон 5 тийин, қора нон 4 тийин, бир сажен оддий ўтин 9-10 сўм, бир сажен ўрик ўтини эса 12-13 сўм турган. Ваҳоланки, Андижон пахта тозалаш заводларида бир кунда бир ишчига 25 тийиндан 35 тийингача ҳақ тўланган, ҳолос. 1911 йилга

¹ Шарафиддинов.А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири-XX аср бошлари) I-китоб. Тошкент, 2013 - Б. 59.

келиб, Андижон шаҳридаги савдо муассасалари 3000 тани ташкил этган. Майда савдогарлар эса бундан ҳам кўп бўлган¹.

Юқорида келтирилган бозор ва дўконларда асосан мануфактура товарлари билан савдо қилинган. Пахта, пилла, қуритилган мевалар эса бозорда жуда чекланган миқдорда сотилган. Чунки, бу товарлар Андижонда ташкил этилган фирма ва заводларга сотиларди. Чунончи, Андижонда XIX асрнинг сўнгги йилларигача ана шундай маҳсулотларни сотиб олувчи фирмалар “Большая Ярославская мануфактура” ва “Владимир Алексеев савдо-саноат ширкати” ҳисобланган Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва унинг таркибида 1876 йил Фарғона вилоятининг ташкил топиши, вилоят шаҳарларида, жумладан, Андижон шаҳрида Россия билан савдо муносабатларига кенг йўл очиб берди.

XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, бутун ўлкада бўлгани сингари, Фарғона вилоятида, жумладан, Андижон уездида пахта майдонлари кенгайиб, унинг янги америка нави экила бошланди. Бу эса уезд иқтисодини ривожлантирди.

XIX асрнинг 90 йилларига келиб, шаҳар ҳаётида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида шаҳарга кўплаб савдогарлар кела бошлади. “Қишлоқларда”, - деб ёзганди, “Туркестанские ведомости” газетаси 1895 йил 26 октябрда, - уезднинг иқтисодий тараққиёти таъсири уларнинг ташқи кўринишида ҳеч қандай акс этгани йўқ, лекин шаҳарда эса унинг таъсири сезиларли. Кейинги икки йил давомида шаҳримиз анча кенгайди, янги уйлар ва дўконлар пайдо бўлди, иккита янги транспорт контораси очилди”².

Савдо муносабатларининг ўсиб бориши натижасида 1895 йил 1 январдан бошлаб Андижон шаҳрида матлубот жамияти очилди. 1896 йилнинг март ойигача унга 57 аъзо ва 80 пайчилар қўшилди³.

Савдо дўконлари шахсий кишиларга қарашли бўлиб, мустамлака маъмурияти янги савдо муассасалари ташкил этишга, бозорни

² Қўрсатилган адабиёт.

³ Ўша жойда.

кенгайтиришга, уларни ободонлаштиришга мутлақо аҳамият бермади. Шаҳардаги мавжуд бозорлар эса асосан марказий Россия саноати учун зарур бўлган ҳом ашёни сотиб олиш учун ва Россиядан келтирилган турли рус товарларини сотишни таъминлайдиган воситачи ролини ўйнаганлар.

Шунинг учун ҳам Фарғона вилоят губернаторининг Туркистон генерал- губернаторига берган ҳисоботида Андижонда савдо биноларига нисбатан камчилик сезилаётганлиги, лекин шаҳарда бозор бинолари қўриш учун майдонларнинг мавжудлиги, агар шаҳар бу ҳақда ташвишланса, унинг даромади анча ортиши ҳақида гапирилади.

Бироқ шуни айтиш керакки, Фарғона вилоят шаҳарларини темир йўл билан боғланиши ва айниқса уни Андижонгача етказилиши, шаҳарни Россия билан бўлган савдо муносабатларида бурилиш ясади. Бу даврда Россиянинг мустамлакаси ҳисобланган Фарғона вилояти ва унинг шаҳрлари биринчи даражали ҳом ашё етказиб берувчигина бўлиб қолмасдан, балки у подшо ҳукуматининг капитал киритиш манбаига ҳам айланди.

Ўрта Осиё темир йўли бта унинг Андижон шаҳобчасининг ишга туширилиши оқибатида ўлкага, жумладан, Андижонга, турли товар ва юкларни келтиришга сарф килинадиган маблағни анча қисқартирди. Шу билан бирга, турли саноат маҳсулотлари ва бошқа ҳар қил товарлар келтиришни кўпайтиришга ёрдам берди.

Туркистон ўлкасига, шунингдек, Андижонга XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб, биринчи мартаба катта размерда тунука ва прокат темир, қурилиш материаллари ёғоч, цемент, ғишт, ойна, кўмир, керосин ва бошқа товарлар келтирила бошланди. Турли бўёқлар, қоғоз, қанд, чой, буғдой, металл ва безак буюмлари келтириш кенгайди. Агар 1884 йилда Андижонга ҳаммаси бўлиб 400 пуд темир келтирилиб, унинг қиймати 1600 сўмни ташкил қилган бўлса, 1910 йилга келиб, Андижонга келтирилган турли темир сортларининг ҳажми 246000 пудни ташкил этган¹.

XIX аср бошларига келиб Андижон шаҳри ва уезди ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тез ривожланиб борди. Бу эса Андижон станциясини

товар келтириш ва олиб кетиш, ҳамда савдо обороти жиҳатдан катта аҳамиятга эгаллигини таъминлайди. Чунончи, 1909 йилда Андижонга 6786609 пуд ҳар хил товарлар келтирилган. Андижондан эса 4304562 пуд товар олиб кетилган.

Андижон уездида пахтачиликнинг ривожланиши оқибатида Андижон станцияси турли томонларга пахта жўнатишда ҳам бошқаларга нисбатан олдинда бўлган. Масалан, уезд 1911 йилда 2505000 пуд пахта жўнатган. Улар, асосан, Шимолий темир йўл линиясига (698000 пуд), Москва-Қозон линиясига (563000 пуд), Москва-Нижегород линиясига (292000 пуд), Лодз линиясига (131000) пуд пахта жўнатилган.

Пахта экишнинг кенгайтирилиши бутун Туркистонда бўлгани сингари Андижон уездида ҳам ғалла экиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Оқибатда пахтачиликнинг йилдан-йилга ўсиб бориши Андижонга буғдой келтиришни кучайтирди. Чунончи, 1910 йилда Андижонга 3173 минг пуд буғдой келтирилган.

Ўз навбатида пахта майдонларининг ортиши ва бунинг оқибатида пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларининг кўплаб ишга туширилиши натижасида Андижондан кўплаб пахта ёғи, кунжара ва чигит олиб кетила бошланди. Чигит кўпроқ Кавказга ва чет элларга жўнатилган. Чунончи, 1914 йилда Андижон станциясидан жўнатилган чигит миқдори 4157 пудни ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хитой билан бўлган савдо алоқаларида Андижон асосий пункт ҳисобланган. Чунончи, 1913 йил Хитойдан Андижонга 4 миллион сўмлик турли хил моллар келтирилган бўлса, Андижондан Хитойга 4,4 миллион сўмлик турли моллар жўнатилган.

Андижон уездида пахтачиликнинг тараққий этиши маҳаллий савдода пахта билан савдо қилишни кучайтириб юборди. Андижонда пахта сотиб олишнинг асосан уч тури қўлланилган:

Биринчидан, чигитдан тозаланган пахтани сотиб олиш. Бу йўл билан ўзларининг ип йигириш фабрикаларига эга бўлган йирик фирмалар

ёки ана шундай йирик фирмаларга хизмат килувчи шахслар шуғулланганлар.

Иккинчидан, тозаланган (чигитдан ажратилган) пахтани заводларда қайта ишлаш учун сотиб олиш. Бу йўл билан ўз пахта тозалаш заводларига эга бўлган фирмалар ва ўзларига моддий жиҳатдан дуруст ҳисобланган шахслар, кўп ҳолларда эса пахта тозалаш заводига эга бўлган шахслар шуғулланганлар. Лекин бундай шахслар ўзлари томонидан тозаланган пахтани мустақил равишда халқаро бозорга жўнатмасдан, балки пахтани тозаланган ҳолда биринчи группа пахта сотиб олувчиларга қайтадан сотганлар.

Ниҳоят, учинчидан, кенг микёсдаги, катта пахта сотиб олувчилар бўлиб, улар қисман ўз маблағларига ва кўп ҳолларда давлатманд кишиларнинг ёки фирмаларнинг маблағларига пахта сотиб олганлар. Бу кўп сонли комиссиянерлар биринчи ва иккинчи гуруҳ пахта сотиб олувчилардан кейин савдо қилиб, улар асосан жойларда майда ер эгаларидан фирмаларнинг буюртмаси асосида пахта сотиб олганлар.

Демак, айрим пахта тозалаш заводлари пахтани ҳарид килувчи маҳсус савдо муассасаларига ҳам айланиб қолган эдилар. Шундай қилиб, завод эгалари айна бир вақтнинг ўзида пахтани ҳарид қилиш билан ҳам шуғулланганлар.

Савдо-сотик ва саноатнинг ривожланиши билан нисбатан каттароқ магазинлар ҳам пайдо бўлиб, улар Андижонда 66 тани ташкил этарди. Бундай Европа типигадаги магазинларда одатда иккита-учта, баъзи ҳолларда ўндан ортиқ ёлланма сотувчилар ишларди. Йирик савдогарлар, коммерсантлар ўзларининг капиталларига таянган ҳолда шаҳарни бошқариш ишига, унинг ижтимоий ҳаётига ўз таъсирларини ҳам кучайтира бошладилар. Улар ўзларининг номзодларини шаҳар бошқармаси депутатлигига ҳам кўрсата бошладилар.

Чунончи, 1905-1908 йиллар учун Андижон шаҳар бошқармасига савдо депутатлари этиб Пошшахўжа Умархўжаев, Маҳмудбек, Лутфилла Мақсудов ва Д.К.Москаленколар “сайландилар”¹.

Шундай қилиб, Андижон Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарлари сингари тобора ривожланиб, ўсиб бораётган Россия капитализмининг савдо муомаласига жалб этилди. Шу билан биргаликда маҳаллий савдо ривожланиб борди. Бу ҳолат эса айниқса пахта етказиш ва уни қайта ишлашда кўпроқ намоён бўлди.

2.3. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси пахта тозалаш заводларининг фаолияти

Бу даврда саноатнинг энг йирик соҳаси пахта тозалаш саноати бўлиб, ўлкадаги пахта тозалаш заводларининг кўпчилиги айнан Фарғона вилоятида жойлашган эди. Ўлкада, америка пахта навлари тарқалмасдан ва пахта тозалаш заводлари қурилмасдан илгари, маҳаллий пахта ҳом ашёси толасини чигитидан ажратиш кўлда ҳаракатга келтириладиган ёғоч ускуналар, яъни чарх(чағрик)лар ёрдамида амалга оширилган².

Туркистон ўлкасида америкадан келтирилган пахта навлари маҳаллий шароитларга мослаштирилиб, пахта ҳосилдорлиги ортди. Натижада ўлкада бирин-кетин пахта тозалаш заводлари барпо қилинди. Фарғона вилоятида пахта тозалаш заводларини қурилиши ва фаолияти тарихи бир қатор илмий адабиётларда атрофлича ёритилган. Пахта тозалаш заводларининг эгалари асосан рус ва чет эллик савдогарлар ва йирик ер эгалари бўлган.

1881 йилда Қўқон шаҳрида биринчи пахта тозалаш заводи қурилди. Вилоят бошқармасига Қўқон уезди бошлиғи номидан тақдим этилган 1881-1882 йиллар учун ҳисоботда уезд бўйича мавжуд фабрика ва заводларни сони ва турлари кўрсатилган. 1881 йилда Қўқон уездида 2 та

¹ Шарафиллинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири-XX аср бошлари) I-китоб. Тошкент, 2013 - Б. 64.

² Меликс-Саркисян С.А. Хлопковое дело в Ферганской области и меры к его упорядочению.-М., 1904 - С.15.

пахта тозалаш ва тойлаш заводи бўлиб, пахта толасини тойлаш кўл кучида амалга оширилиб, 11 нафар ишчи ишлагани ҳолда заводларни ишлаб чиқариш қуввати 1300 рублни ташкил этган. 1882 йилда эса айнан шу заводларда 12 та ишчи меҳнат қилиб, корхоналарни ишлаб чиқариш қуввати 1700 рублни ташкил этган. Айнан шу ҳисоботга кўра, уездда 1882 йилдан фаолият юрита бошлаган яна битта пахта тозалаш заводида эса пахта толаси гидравлик усулида тойланиб, бу заводда 32 нафар ишчи меҳнат қилиб, шу йили 37.583 пуд 17 фунт пахта толаси ишлаб чиқарилган¹.

Фарғона вилоят бошқармаси 1889 йилда савдо ва мануфактуралар департаментига вилоятдаги пахта тозалаш заводлари тўғрисида ахборотларни маълумотнома тарзида тақдим этган. Ушбу ҳужжатларда ҳар бир заводнинг фаолиятига оид тўла маълумот берилган. Масалан, Қўқон шаҳрини Эшкўприк мавзесида жойлашган пахта тозалаш ва тойлаш заводини эгаси тошкентлик 1 - гильдия² савдогари С. И. Лахтин бўлиб, иш бошқарувчиси эса тошкентлик тадбиркор И.Н.Алиенов бўлган. Заводда 10 нафар ишчи мавсумий (сентябрдан апрелгача) ишлаб, иш вақти 10 соат давом этган. Ҳар бир ишчи кунига 25 тийиндан, ойига эса 8 сўмдан иш ҳақи олган. 1889 йилда 41.1157 пуд (6.876 сўмлик) пахта тозаланиб, шундан 9.821 пуд (11.375 сўмлик) тола той қилинган. Корхонада битта 20 от кучига эга сув кучида ишлайдиган двигател, 6 та пахта тозалаш машинаси яъни жин ва учта пахтани тойлаш учун кўл кучида ишлатиладиган винтли пресс бўлган. Пахта толаси той қилинган ҳолда Москвада сотилган³.

Наманган уезди бошлиғини Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига 1893 йил 25-март куни 2436-сонли расмий ҳати орқали юборган билдиргиси, Фарғона вилояти бошқармасида 1893 йил 6 апрелда 2628 рақами билан қайд этилиб, Наманган уездидаги фабрика ва заводларни

¹ Мирзаев А. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 244.

² Чор Россиясида савдогарларнинг бойлигига қараб бериладиган даража.

³ Кўрсатилган адабиёт. - Б 245.

1892 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумотномалар тақдим этилган. Масалан, 2-гильдия савдогари И.И.Кеберлега тегишли буғ кучида ҳаракатланадиган пахта тозалаш заводи Наманган шаҳрини Скобелев кўчасида жойлашган бўлиб, унда 25 та ишчи ишлаб, 4 та жин ва 1 та винтли прессда 20450 пуд пахта толаси ишлаб чиқарилган. Қўқонлик Султонмуродбек Худоёрбековга тегишли сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи Наманган уездини Тўрақўрғон қишлоғида жойлашган бўлиб, корхонада 18 нафар ишчи ишлаб, 3 та 60 аррали жинда 15000 пуд пахта толаси ишлаб чиқилиб, 1 та винтли пресс бўлган¹.

Пахтани тозалаш дастгоҳлари тўғрисида шуни таъкидлаш мумкинки, қўлда ёки от кучида ҳаракатга келтириладиган кичик жинлар 12 тадан 25 тагача аррага эга бўлиб, унчалик унумдор бўлмаган. Сув ёки буғ двигателли жинлар эса 40 тадан 80 тагача аррага эга бўлган. Пахта тозалаш заводларида америкада ишлаб чиқарилган жинлардан фойдаланилган. 60 аррали дастгоҳда бир кунда 250-300 пуд, 80 аррали жинда эса кунига 400-450 пуд пахта тола ишлаб чиқарилган. Туркистонда Пратт, Карвер, Томсон, Орел ва Броун каби бешта америка заводларида ишлаб чиқарилган жинлардан кенг фойдаланилган. Дастлаб Пратт заводида ишлаб чиқарилган жинлар кенг тарқалган бўлса, кейинчалик эса Карвер ва Броун русумли дастгоҳлар катта ўрин эгаллади.

Пахта толасини пресшлаш масаласида шуни айтиш лозимки, Туркистондаги кўпчилик пахта тозалаш заводларида дастлаб Грачев русумли винтли прессдан фойдаланилган. Кейинчалик эса буғ двигателли гидравлик пресслардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди².

Марказий давлат архивида сақланаётган Туркистон Ҳазина Палатасига тааллуқли 87-жамғармада солиқ инспекторлари томонидан пахта тозалаш ва пресшлаш заводларидан 2 фоизли ер солиғини ундириш масаласида тузилган далолатномалардан мазкур заводларни бино ва

¹ Мирзаев А. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 244.

² Ўша жойда.

иморатларини қурилиши, улардаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

Масалан, Андижон уездини Балиқчи волости Товулди қишлоғида жойлашган Дармонкул Каримқуловга тегишли сув кучида ишлайдиган пахтани тозалаш ва пресслаш заводини баҳолаш бўйича 1900 йил 25-октябрда тузилган далолатнома, Фарғона область бошқармаси маҳкамасининг умумий журналида қайд этилиб, унга кўра заводнинг икки қаватли биноси, пахта ҳом ашёсини сақлайдиган еттита омбори, ҳар бири 60 аррали 6 та жин, яъни пахта тозалаш дастгоҳлари, шунингдек, пахтани тойлаш учун Грачев ва Блокк русумидаги 2 та кўлда ишлатиладиган винтли пресслари бўлган¹.

Андижон волостини Майли-Избоскан волостини Қўғай қишлоғида жойлашган Раҳмат Бадалбоевга тегишли буғ кучи билан ишлайдиган пахта тозалаш ва пресслаш заводини баҳолаш юзасидан 1900 йил 27-октябрда далолатнома тузилиб, унга кўра заводнинг икки қаватли биноси, 4 та пахта сақлаш омборхонаси, SLOBRG фирмасида ишлаб чиқарилган лоқомобиль, 4 дона ҳар бири 60 аррали Претта русумли жинлар, 1 дона Грачев русумли кўлда ҳаракатга келтириладиган винтли пресси бўлиб, завод 1899 йилнинг иккинчи ярмидан фаолият юрита бошлаган².

Шунингдек, Фарғона область бошқармаси хўжалик бўлинмасининг 1901 йил 14-апрелда Янги Марғилон шаҳридан чиқиш ҳужжатлари китобида № 9407 рақами билан қайд этилиб, Туркистон Ҳазина Палатасига юборилган ва 1901 йил 17-апрелда Палатанинг кириш ҳужжатлари китобида № 576 рақами билан қайд этилган расмий ҳатда, Қўқон шаҳри ва Қўқон уездининг Қайнар волостидаги пахта тозалаш заводларини баҳолаш ва қайта баҳолаш бўйича Қўқон уездининг солиқ инспектори томонидан тақдим этилган саккизта далолатнома, Фарғона вилоят бошқармаси маҳкамасининг журналида 10-апрелда № 20 рақами билан тасдиқланган

¹ Келтирилган адабиёт - Б 245.

²Ўша жойда.

хужжатларни, кўрсатиб ўтилган журналдан олинган кўчирма билан тўлов варақаларини тузиш учун Ҳазина Палатасига жўнатиб юборган.

Фарғона вилоят бошқармаси маҳкамасининг умумий журналидаги 1901 йил 10 апрелдаги 20-сонли баённома ҳарбий губернатор Генерал-лейтенант Чайковский томонидан тасдиқланиб, ундан олинган кўчирмадаги ажримда, Мирроби Мирмаҳмудовнинг Кўқон шаҳри Бешариқ мавзесида жойлашган буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Абдурахмон Назармухамедовнинг Кўқон шаҳрини Қатағон мавзесида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи, Шоносир Шоабдуллаевнинг ворислари ва К нинг, Кўқон шаҳрини Тўхли Мерган мавзесида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Барон Андрей Львович Кнопнинг, Кўқон шаҳрини Шайхон мавзесида жойлашган буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Ака-ука Каменскийлар савдо уйининг Кўқон шаҳрининг Ҳайдарбек мавзесида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Москва савдо-саноат Ширкатининг (Кўқон уездини) Қайнар волостини Найманча қишлоғида жойлашган буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Ярославль Катта мануфактураси ширкатини (Кўқон уездини) Қайнар волостини Аширқул мерган қишлоғида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи; Мирроби Мирмаҳмудовни (Кўқон уездини) Қайнар волостини Оҳун-Қайнар қишлоғида жойлашган сув кучида ишлайдиган пахта тозалаш заводи тўғрисида маълумотлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин¹.

Фарғона вилояти бошқармаси томонидан Скобелев шаҳридан 1908 йил 5 апрелда 6916 рақами билан Тошкентга, Ҳазина Палатасига юборилган ва у жойда 1908 йил 9 апрелда 996 рақами билан қайд этилган расмий ҳатда Андижон баҳолаш комиссиясининг, Андижон шаҳридаги Яланғоч-қўрғон мавзесида жойлашган “К.М.Соловьев ва К” Савдо уйига тегишли буғ кучида ишлайдиган пахта тозалаш ва ёғ-мой заводини

¹Кўрсатилган адабиёт - Б 245.

баҳолаш ҳақидаги далолатномани вилоят бошқармаси маҳкамасининг журналида 1908 йил 4 апрелда 52 рақами билан қайд этилган.

Мазкур ҳужжатлардан завод биноси ёғни ишлаб чиқариш ва пахтани тозалаш бўлимларидан иборат бўлиб, корхона, шунингдек, 3 та буғ қозонлари, буғ қозони учун инжектор, яъни буғ қозонига сув чиқариб турадиган асбоб, 115 вольтли ва 100 амперли динамо-машина, яъни электр тоқи ишлаб чиқарадиган машина, бир дона “Камнаунд” русумли буғ машинаси, иккита цилиндр ва 125 от кучига тенг музлатгичи билан, 10 та линтер, ҳар бири 80 аррали 8 та жин, бир дона пахтани тойлаш учун гидравлик пресс(яъни сув кучи билан ишлайдиган пресс) иккита қутиси билан, 2 та элеватор, кунжарани эзиш учун 3 та гидравлик пресс, 12000 пуд ёғни сақлаш учун мўлжалланган цистерна, тоқарлик станогли, жинларни арраларини чархлаш учун станокларга эга бўлганлигини билиб оламиз¹.

Ўлкадан империя марказига ташиб кетиладиган пахтани тозалаш ва преслаш масалалари ҳам доимо чор ҳукуматининг эътиборида бўлиб келди. Жумладан, 1912 йил 25 ноябрдан 1 декабргача Тошкент шаҳрида пахтачилик ва пахта саноати масалалари юзасидан пахта мутахассисларининг съезди бўлиб ўтиб, у ерда ҳам пахтани тозалаш техникасини яхшилаш, толани преслашни кучайтириш муаммолари муҳокама қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим².

2.4. XIX аср охири – XX аср бошлари Фарғона водийсида

ипакчилик саноати

Ипакчилик саноати Фарғона водийсида қадимдан халқ хўжалигининг муҳим тармоғи саналган. Фарғоналиклар асрлар давомида бу соҳада ўз фаолиятларини такомиллаштириб келишган. Бу жараённи биз XIX аср охири XX аср бошларида ҳам кўришимиз мумкин.

Туркистонда Чор Россияси ҳукмронлик қилган даврда аҳоли ипакчилик фаолияти соҳаси билан самарали шуғулланганлиги тарихий

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

манбалар ва адабиётларда кенг ёритилган. “Туркестанские ведомости” газетасида 1871 йилда берилган маълумотларга кўра, шу йили Туркистонда бир ярим миллион пуд ипак ҳомашёси тайёрланган. Бу ҳомашё йигирилганда, 100 минг пуд ипак ипини бериши мумкин бўлган¹.

Бироқ, мустамлакачилар ўлкани босиб олгач, бу соҳага етарлича эътибор берилмаганлиги боис бу қимматли ҳомашё ўлка саноатида пастки ўринга тушиб қолган. Фақат XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб халқ бу тармоқда баъзи ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Жумладан, 1910 йилда 350 минг пуд ипак ҳом ашёси етиштирилди. Бироқ 1914 йили бу кўрсаткич пасайиб, 190 минг пудга тушиб қолди². Бу пасайиш Чор Россиясининг Жаҳон урушига тортилиши билан боғлиқ эди.

Ушбу ҳолатлар Туркистондаги ипакчилик тармоғида мураккаб вазиятни юзага келтирди. Қолаверса, ипакчиликнинг ташқи бозорга тобелиги оқибатида XX аср бошида Ўрта Осиё ипакчилик саноатини таназзулини вужудга келтирди. Маълумки, Ўрта Осиёда уруғчилик ишлаб чиқариш, пиллага дастлабки ишлов бериш имкониятларининг мавжуд эмаслиги, Ўрта Осиё ипакчилигини Европа ипак уруғчилиги ва пилла етиштириш саноатига бутунлай қарам қилиб қўйган эди.

Туркистон ўлкасида мустабид совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг большевикларнинг ушбу ҳудудни улкан ҳомашё базасига айлантириш мақсадларидан ипакчилик тармоғи ҳам четда қолмади. XX аср 20-йилларининг бошида ипак уруғини тайёрлаш ва аҳолини қурт уруғ билан таъминлаш, ипак ҳомашёсини сотиб олиш, фабрикаларда тўқимачилик ва йигириш устаҳоналарини ташкил этиш, четдан келаётган импорт маҳсулотларни чеклаш, ипак қуртини боқишнинг янги маданий усулларини қўллаш, тут экинзорларини кенгайтириш ва ипак фабрикаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

¹ Н. Алимова. Мустамлака даврида Фарғонадаги сиёсий жараёнлар. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 248.

² Ўша жойда

Туркистонда ипакчилик соҳасини бошқариш мақсадида “Центршёлк” ташкил этилди ва унинг ерлардаги бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Туркистонда ипакчилик тармоғини пахтачилик кўмитаси ҳайъати бошқарарди.

“Туркшёлк”нинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат бўлган: саноат ипакчилиги, уруғчилик, уруғчиликни назорат қилиш, илмий-тажрибавий ипакчилик, ўқув-тажрибавий ипакчилик, ипак ҳомашёсини тайёрлаш ва сотиш, ҳомашёга дастлабки ишлов беришни таъминлаш ва ҳ.к¹. “Туркшёлк” ўлка ипакчилик тармоғига эгалик қилиб, республика эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берган, айти пайтда, қурт уруғи, пилла, ипак маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш билан шуғулланган.

“Туркшёлк” ташкилий жиҳатдан ўзининг тегишли тармоқларига эга бўлган. Унинг таркибида Тошкентда марказий бошқарув, Андижон, Кўқон, Наманган, Ўш, Скобелев, Самарқанд, Хўжанд, Полторацкий шаҳарларида тайёрлов идоралари, уруғ етиштирадиган саккизта корҳона, Тошкент, Скобелев (Фарғона) да ипакчилик станциялари ва ипакчилик фабрикасига эга бўлган.

Бу даврда “Туркшёлк” акционерлик жамияти фаолият кўрсатиб, “Туркшелк” акционерлик жамиятининг асосий фаолиятига қуйидагилар кирган:

Ипакчиликни ривожлантиришнинг моддий негизи сифатида биринчи галда тут экинзорларини ривожлантириш, шу мақсадда аъзоларига тут уруғи ва уч йиллик тут кўчатларни тарқатишни йўлга қуйиш;

ипак қурти уруғи ишлаб чиқарадиган мавжуд корҳоналарни ривожлантириш ва янгиларини ташкил этиш, ипак уруғи маҳсулотларини кўпайтириш. Ушбу жараёнларни қатъий назоратга олиш;

¹ Кўрсатилган адабиёт.

ипакчилик станциялари фаолиятида илмий-тажрибавий, ўқув-кўргазмавий ва назорат-конструктивлик фаолиятини ривожлантиришга, Туркистоннинг турли минтақалари табиатини ипак қуртини боқиш ва парваришlashга таъсири ва ҳомашёни етказиш имкониятларини илмий ўрганишга, ипакчилик соҳасига ўрта-маҳсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратиш;

“Туркшёлк” акционерлик жамиятида Туркистонда ипак ишлаб чиқаришни ташкил этишни механизациялаш муҳим вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилган.

“Туркшёлк” ўз фаолиятини акционерлик жамият сифатида ривожлантириши зарур эди. Ўша пайтда, ипакчиликни ривожлантиришда асосий омил аҳолидан олинган ипак маҳсулотларини сотишни ташкил қилиш эди. Шу мақсадда “Туркшёлк” Москва, Эрон, Қашғар, Франция, Италия каби мамлакатлар билан алоқалар олиб борди¹.

“Туркшёлк”нинг асосий тезкор бозорларини ташкил этиш ҳамда Туркистон республикаси “Туркшёлк”нинг асосий савдо операциялари бозорини ташкил этиш (60 фоиз маҳсулотларни “Туркшёлк”ка ҳунарманд-қосиблар тайёрлаб берарди) акционерлик жамиятининг асосий вазифаларидан бири эди.

“Туркшёлк” бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллий уруғчилик муассасаларида қурт уруғи тайёрлаш, мамлакат ичкараси ва чет эллардан уруғ сотиб олишни йўлга қўйиш, уруғчилик устидан сифат назорат ўрнатиш, ипак етиштиришни, ипак ишлаб чиқаришни тегишли кредит маблағлари билан таъминлаш, барча турлар бўйича ипак ҳом ашёсини тайёрлаш ва ипак маҳсулотини бирламчи қайта ишлаш фабрикаларини ташкил этиш фаолиятини олиб борди.

Мамлакат миқёсида ипак саноатига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, бу соҳада муайян даражада қўлга киритилган ижобий натижалар туфайли «Туркшёлк» амалга оширадиган вазифалари доираси ҳам кенгайиб борди. Натижада унинг таркибида тайёрлов (ҳомашё ва

¹ Кўрсатилган адабиёт.

мануфактуравий), ишлаб чиқариш таъминоти, ҳисоб-китоб ва назорат, иқтисодиёт (статистика ва информация), марказий ипак станция, маъмурий бўлимлар (уруғчилик ходимлари ўқуви, инструкторлар ўқуви) ташкил этилди ва фаолият юрита бошлади.

20-йилларнинг охирига келганда унинг таркибида “Ўзбекшёлк” қўмитаси ташкил этилиб, унинг таркибига 16 бўлимдан иборат қўмита тасдиқланди. Ўзбекистонда алоҳида фаолият кўрсатиши назарда тутилган. Бу трест иттифоқ мақомига эга бўлиб, Фарғона, Самарқанд, Марғилондаги фабрикалар билан бирга туркман, тожик ипакчилик корхоналарини ўз тасарруфига олди. Ипакчиликни бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар оқибатида бу ташкилотнинг фаолияти янада мукаммаллашди ва 1933 йилдан “Ўзбекшёлкпромтрест”га айлантирилди.

III БОБ. XIX АСР ОҲИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ДЕМОГРАФИК ҚИЁФАСИ

3.1. Янги Марғилон - Фарғона водийсининг маркази ва таянчи

Фарғона вилояти ташкил этилгандан сўнг Россия императори Александр II нинг буйруғи билан вилоятнинг биринчи ҳарбий губернатори

этиб генерал-майор М.Д.Скобелев тайинланди. У вилоят ҳарбий губернатори лавозимида 10 ойдан ортиқроқ вақт ишлади, ҳолос. Аммо у янги вилоятда подшо Россиясининг мустамлакачилик режимини ўрнатиш ва маъмурий-бошқарув тизимини шакллантириш ишларига қаттиқ киришди. Янги ташкил этилган вилоятнинг барча бошқарув идоралари, дастлаб унинг маркази ҳисобланган Қўқон шаҳрига жойлаштирилди. Вилоят Қўқон шаҳридан туриб бошқарилди.

Аммо орадан бир неча ой ўтгандан сўнг ҳарбий губернатор Қўқонда жойлашган гарнизон катта ҳудудга жойлашган вилоятни, яъни Фарғона водийсини бошқара олмайди, деган ҳулосага келади. М.Д.Скобелевнинг фикрича, Қўқон ўзининг жўғрофий жойлашиши ва иқлим шароитлари жиҳатидан ҳам вилоят маркази бўлишга ярамасди. Жумладан, ҳонликнинг собиқ пойтахти катта шаҳар, уйлар бир бирига яқин жойлашган, шунингдек, бу ерда тез-тез шамол бўлиб туради ва чанг-тўзон кўтарилади. Ўтказилган лаборатория таҳлили бу шаҳарнинг суви ва ҳавоси фойдаланиш учун ноқулай эканлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам, ҳарбий губернатор М.Д.Скобелевнинг ўлка генерал-губернатори К.П.Кауфманга ёзган маҳсус алоқа ҳатида вилоят маркази учун қулайроқ янги жойда аҳоли пунктни қуриш таклиф этилади. Қурилиши мумкин бўлган янги жой Асака атрофлари ёки Марғилон шаҳри ёнида бўлиши мумкинлиги кўрсатилади¹.

Ҳарбий губернатор М.Д.Скобелевнинг буйруғи асосида тузилган маҳсус комиссия вилоятнинг санитария ҳолатини текшириб чиқди. Ҳарбий губернатор комиссия ҳулосаси асосида Туркистон ўлкаси генерал-губернатори К.П.Кауфмандан вилоят марказини Қўқондан водий ичкарасига кўчиришга ва бунинг учун янги шаҳар барпо этишга розилик беришни сўрайди. Генерал-губернатор 1876 йил 19 октябрда М.Д.Скобелевнинг юқоридаги ҳатига “вилоят марказини ва ҳарбий кучларнинг асосий қисмини Марғилон атрофига кўчиришга розиман. Янги шаҳар ва қалъа Ёрмозор қишлоғи ва унинг юқори томонига қурилиши

¹ Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX веков.). Т.: изд – во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1988. – С. 120.

мақсадга мувофиқ”¹ деб резолюция қўйди. Янги шаҳар режасини тузиш учун ҳарбий инженер Жилин билан поручик Синклер Қўқонга юборилди. Шундай қилиб, 1877 йил бошидан бошлаб Марғилон шаҳри атрофида янги вилоят маркази ва қалъасини қуриш тадбирлари қўрила бошланди.

Бироқ шаҳар қуриш тараддуди бошланган вақтда Фарғона вилоятининг биринчи ҳарбий губернатори, янги шаҳар қуришнинг ташаббускори генерал М.Д.Скобелевни 1877 йил февраль оyi бошларида Россия-Туркия урушининг бошланиши муносабати билан ҳаракатдаги армияга чақириб олишади². Шу тариқа рус-турк урушига кетади ва Фарғона водийсига бошқа қайтиб келмайди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори лавозимида шу пайтгача Амударё бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётган генерал-майор А.К.Абрамов тайинланади.

А.К.Абрамов ҳарбий губернатор лавозимида ўз фаолиятини бошланганидан сўнг вилоятдаги ишларни ўрганиб, янги шаҳар қурилиши билан боғлиқ ҳужжатлар билан яқиндан танишади. У янги шаҳар қурилиши режалаштирилган жой билан танишиб, бу жойни маъқул кўрмайди.

1877 йил 24 февралда генерал-майор Абрамов раислигида вилоятнинг янги марказини қуришга жой танлаш учун комиссия ташкил этилади. Унинг таркибига Марғилон уезди бошлиғи капитан Бикчурин, вилоят инженери поручик Корольков, ҳарбий инженер Жилин, ҳарбий губернатор ёрдамчиси поручик Синклер, Қўқондаги лазарет врачлари Преображенский ва ҳарбий Оқолковлар киритилади³. Шунингдек, комиссия ишида бош штаб полковниги Корольков ҳам иштироқ этади. Чунки бу вақтда у Фарғона вилоятига ҳизмат сафарига келган эди.

¹ Шарафиддинов А., Ҳайдаров О. Янги Марғилон-Фарғона водийсида Подшо Россияси мустамлакачилик маъмурий-бошқарув тизимининг маркази ва таянчи. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Иккинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 175

² Ўша жойда.

³ Шарафиддинов А., Ташпулатов Г. Из истории возникновения и развития города Ферганы. //ФДУ, Илмий хабарлар, 2002. 1-2 сон. - Б. 28.

Комиссия ўз ишини қуриладиган янги шаҳар ва қалъа учун М.Д.Скобелев шахсан кўриб танлаган жойни кўришдан бошлади. Комиссия Скобелев танлаган жой шаҳар қуриш учун тор бўлганлиги (2,5 кв. верст, бир верст 1,06 кмга тенг) ва уни кенгайтириш учун жуда кўп мевали боғлар ва уйларни бузишга тўғри келишини, жануби-ғарбий томони эса сувсиз, тошлоқ ердан иборатлигини ҳисобга олиб, бу жойни янги шаҳар қуриш учун нолайиқ деб топади. Комиссия Марғилон шахрининг шарқий ва ғарбий томонидаги ерларни кўриб чиқади. Уларни ҳам янги шаҳар қуриш учун юқорида кўрсатилган шарт ва талабларга жавоб бермайди, деб ҳисоблади. Шундан сўнг комиссия Марғилон шаҳридан 7 верст масофадаги жойни янги шаҳар ва қалъани қуриш учун яроқли деб, топади.

Шаҳар қуриш учун танланган ҳудуднинг узунлиги 4,5 верст, кенлиги 2,5 верст бўлиб, жануби-шарқий томондан жами 11,5 кв. верст майдондан иборат эди. Шаҳар қуриладиган жойда Симтепа, Чармиғон қишлоқлари ва 150 та уй бўлган бир неча қўрғон жойлашган эди. Симтепа қишлоғи Марғилон сойнинг чап томонида, Чармиғон қишлоғи эса сойнинг ўнг томонида жойлашган эди. Шаҳар қурилиши учун танланган майдон ўсимликлар ўсиши ва боғдорчилик учун қулай, унумли тупроққа эга бўлиб, фақат жанубий томони бирмунча шағал аралаш қумли эди. Учқўрғондан чиқиб келадиган Исфайрам сойнинг суви билан Шоҳимардондан келадиган сой суви қўшилишидан ҳосил бўладиган Марғилон сойи бўлажак шаҳарнинг ичидан оқиб ўтар эди.

Комиссия қуриладиган шаҳар учун танланган жой ҳақидаги ўз ҳулосасини вилоят ҳарбий губернаторига тақдим этади. Бу ҳақда генерал-майор Абрамов 1877 йил 8 март куни ўлка бошлиғига телеграф орқали хабар қилади. Эртасига, яъни 9 март куни Туркистон ўлкаси генерал-губернаторидан янги шаҳар қуриш тўғрисида рухсат олинди. Унинг рухсатномасида “сизнинг вилоят шахрини қуриш учун танланган жой тўғрисидаги таклифингиз маъқулланди, янги шаҳарни қурилиш участкаларга бўлиб чиқиш ишлари учун 3000 сўм маблағ ажратилишига ва

шаҳар қуриладиган жойдаги 2 та қишлоқ аҳолисини ранжитмасдан кўчиришга рухсат этаман”,¹ дейилган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, Фарғона водийсининг марказида янги ҳарбий маъмурий марказ бўлган шаҳар қурилиши Туркистон ўлкаси генерал-губернаторининг доимо диққат марказида турган. Шаҳар қурилиши билан боғлиқ ҳар қандай катта-кичик масала генерал-губернаторлик маҳкамаси рухсати билан ҳал этилган.

1877 йил 30 майда Фарғона вилоят ҳарбий губернатори Марғилон ёнида барпо қилинадиган янги шаҳар қурилиши қоидалари лойиҳасини ўлка генерал-губернатори маҳкамасига юборади. Генерал-губернаторлик маҳкамаси бу лойиҳани бир мунча тузатишлар билан 1877 йил 18 июнда тасдиқлайди ва вилоят маркази номини Янги Марғилон деб аташни мақсадга мувофиқ деб топади². Мавжуд Марғилон шаҳари Эски Марғилон деб аталадиган бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, янги шаҳар режасини тузишда асосан мустамлакачилик – сиёсий омиллар инобатга олинган эди. Шаҳар мустамлакачилик маъмурий бошқарув тизимини шакллантириш ва унинг таянчи сифатида қурилиб бориши ҳамда шунга ҳизмат қилиши керак эди. Янги Марғилоннинг барча режалаштирилган кўчалари ва участкалари шаҳарнинг жануби-ғарбий қисмида қурилади ва ҳарбий қалъадан радиус формасида чиқарилиб тортилиши мўлжалланган эди. Қалъадан шаҳарнинг ҳамма жойни назорат қилиш қулай эди.

Шаҳар қурилиши асосан давлат бюджети ҳисобига ва генерал-губернаторлик ажратган маблағ ҳисобига амалга оширилган. Мустамлакачи ҳокимиятнинг шаҳарсозлик сиёсатининг характерли хусусиятларидан бири-бу аввало маъмурий объектлар қурилишига асосий эътибор берилишидир.

¹ Шарафиддинов А., Ҳайдаров О. Янги Марғилон-Фарғона водийсида Подшо Россияси мустамлакачилик маъмурий-бошқарув тизимининг маркази ва таянчи. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 173

² Ўша жойда

Янги Марғилонда биринчи навбатда вилоят ҳарбий губернаторининг қароргоҳи, черков ва бошқа маъмурий объектларни қуриш режалаштирилди. Биринчилардан қурилиши керак бўлган дастлабки 8 та бино-почта идораси, телеграф ва почта станцияси, вилоят ҳарбий губернатори ёрдамчисининг ҳизмат биноси ва ҳарбий маъмурий ходимлари боғ-уйлари (дача) эди¹.

1877 йил 19 апрель куни Фарғона вилояти марказини Қўқон шаҳридан янги қурилаётган шаҳарга кўчириш тўғрисида генерал-губернаторининг фармони эълон қилинди². Вилоят бошқармалари ўз фаолиятларини янги марказда 1877 йил 27 апрелдан бошлади. Улар дастлабки пайтда вақтинча қурилган баракларда жойлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, бошқа бир ҳужжатда кўрсатилишича, 1877 йил 27 апрель куни ҳарбий министр ва Бош штаб Осиё бўлимининг ички ишлар министрлигига берган 148-сонли кўрсатмасига биноан вилоят маркази расмий равишда Қўқондан янги Марғилонга кўчирилган³.

Шаҳарда қурилиш ишлари 1877 йил июнь ойидан бошланди. Шу йили вилоят инженери Корольков томонидан лойиҳалаштирилган 8 та бино, жумладан, янги почта, вилоят бошқармаси биноси, телеграф станцияси, ҳарбий губернатор ва унинг ёрдамчиси учун ҳизмат ҳамда полиция бошқармаси бинолари қуришга киришилди. Уларнинг лойиҳалари ўлка бошлиғи Кауфман томонидан 1877 йил 15 апрелда тасдиқланган эди. Юқоридаги биноларнинг дастлабки 6 тасини қуришга смета бўйича 154595 сўм ажратилган. 1878 йил 25 майдан бошлаб вилоят инженери вазифасига тайинланган С.В.Леҳанов Янги Марғилонда давлатга қаршли юқоридаги 8 та бино қурилишини давом эттирди. Бу бинолар ўша йили кўзда фойдаланишга топширилди.

Шаҳарда режалаштирилган ва қурилган дастлабки бинолардан бири ҳозирги ички ишлар бошқармаси биноси ҳисобланади. Унинг лойиҳасини

¹ Қўрсатилган адабиёт.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

1877 йилда Синклер томонидан тайёрланган¹. Бу бино 1878-1879 йилларда қурилган. Шаҳар марказида қурилган ажойиб, чиройли, икки қаватли биноларнинг биринчиси-бу собиқ ҳарбий губернатор ва унинг ёрдамчиси учун қурилган бино ҳисобланади. Бино қурилиши 1879 йилда бошланиб, 1880 йилда ниҳоясига етган. Қурилишга 177045 сўм маблағ сарфланди. Бино ичида ҳарбий губернатор кабинети, қишки боғ, кутубхона, бильярд ўйнайдиган зал, банкет зали, ошхона, оркестр учун жой кабилар бўлган. Бир сўз билан айтганда, подшо Россияси мустамлакачилик тизимини ташкил қилувчи ва уни бошқарувчи шахсга ва унинг оиласига барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган.

Шаҳарнинг маъмурий – ижтимоий қисмига, марказига архитектор И.С.Китнер томонидан лойиҳалаштирилган ва 1880 йилда каттагина майдонда (ҳозирги Нефтчи стадиони ўрнида) қурилган Александр Невский черкови уйғунлашиб кетган эди.

Черков майдонининг қаршисида шаҳардаги икки қаватли биноларнинг яна бири қад кўтарди. Бу бино эркаклар гимназияси сифатида 1900 йилда Г.М.Сваричевский томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, 1902 йилнинг 28 апрелида унинг қурилишига биринчи ғишт қўйилган эди². Таъкидлаш ўринлики, бу бино жуда мустаҳкам ва гўзал бўлиб, ҳозиргача ўзининг дастлабки чиройли қиёфасини сақлаб қолмоқда (Ҳозирги кунда бинода Фарғона давлат университетининг маъмурияти жойлашган). Эркаклар гимназияси 1904 йил октябр ойида фойдаланишга топширилган.

Шу даврда қурилган бинолардан яна бири Фарғона шаҳар бозори ҳисобланади. Бу бозор мажмуаси (ўша даврда “Воскресенский рынок” деб аталган) XIX аср охирида, 90-йилларда қурилган ва 1990 йилларгача ўзининг қиёфасини айрим ўзгаришлар билан сақлаб келди. Лекин мустақиллик йилларида бозор ўз қиёфасини мутлақо ўзгартириб, замонавий деҳқон бозори сифатида қурилиб бормоқда.

¹ Қўрсатилган адабиёт. - Б. 177

² Ўша жойда - Б. 178.

Янги Марғилон шаҳрида турли қурилишлар кучайган сайин шаҳар худуди ҳам кенгайиб борди. 1904 йил учун тузилган статистик ахборотда қурилишлар 504432 квадрат сажень (бир сажень – саржин 2,13 метрга баробар бўлган узунлик ўлчови) жойни эгаллаган.

Шаҳарда 43 та кўча бўлиб, уларнинг узунлиги 19784 саженни ташкил этган. Шундан 11231 саженига тош ётқизилган. Йўлаклар (тротуар) узунлиги 38250 саженни ташкил этади. 1904 йилда шаҳарда қурилган бинолар 998 тага етган. Жумладан, ёғочдан қилинган уйлар 2 та, тошдан қилинган бинолар 5 та, ҳом ғиштли бинолар 798 та ва маҳаллий типда қурилган уйлар 193 тани ташкил этган¹.

1916 йилга келиб, шаҳарнинг умумий майдони 850 десятина:² шундан – 232 десятинали хўжалик уйлари, 184,5 десятинали – кўчалар ва майдонларни, 74 десятинали – давлат биноларини, 239 десятинали – ҳарбий объектларни, 35 десятинали уй ҳайвонларини боқиш жойларини ва 56 десятинали хўжалик оборотига қўшишга ноқулай ерларни ташкил этарди.

Янги Марғилон вилоятнинг ҳарбий-маъмурий маркази эди. Шаҳарнинг ҳарбий хусусияти унинг истаралилиги, унинг мақсадга мувофиқ равишда режалаштирилганлиги билангина эмас, балки бу ерда кўплаб ҳарбий қисмлар ва муассасалар жойлашгани билан ҳам ўзига ҳос эди. Ҳарбий шифоҳона ва алоҳида ҳарбий қисмлар Маҳрам (ҳозирги Хўжанд) кўчасига шаҳарнинг жанубий чегараси бўйлаб жойлашган эди. Шаҳарнинг шарқий қисмида пиёда қўшинлар учун ёзги иншоотлар жойлашган эди. Шаҳар чегарасида ҳарбий қисмларнинг жойлашганлиги унинг мудофаа имкониятини кучайтирар эди.

Юқорида келтирилган маълумотлар кўрсатиб турибдики, шаҳар худудининг 2/5 қисмини ҳарбий объектлар ва маъмурий бинолар ташкил

¹ Шарафиддинов А., Ҳайдаров О. Янги Марғилон-Фарғона водийсида Подшо Россияси мустамлакачилик маъмурий-бошқарув тизимининг маркази ва таянчи. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 178

² Ўша жойда

этарди. Бу эса, ўз навбатида, чор Россиясининг Туркистон ўлкасида, шу жумладан, Фарғона водийсида мустамлакачилик сиёсатининг устувор бўлганлигидан дарак берарди.

Янги Марғилон шаҳри аҳолиси сони секинлик билан бўлса-да ўсиб борган. Масалан, шаҳар аҳолиси 1888 йилда 3149 кишини, 1900 йилда 6518 кишини, 1910 йилда 11354 нафарни ташкил этган бўлса, 1913 йилда 13218 кишини, 1916 йилда эса аҳолининг сони 16023 нафарни ташкил этарди¹. Таъкидлаш лозимки, аҳолининг кўпчилик қисмини руслар ташкил этарди. Чунончи, 1916 йил 1 январгача бўлган маълумотга кўра, шаҳарда яшаётган жами 16023 нафар аҳолидан 9500 киши русларни, 5850 киши ўзбекларни ва бошқа маҳаллий аҳолини, 10 киши ҳиндлар, 110 киши яхудийларни, 538 киши эса кавказликларни ташкил этган эди².

Шаҳар аҳолиси ижтимоий келиб чиқишига кўра турли табақаларга мансуб бўлган. Европалик аҳоли асосан ҳизматчилар, ҳарбийлар, йирик ва майда савдогарлар, хунармандлар, ишчилардан иборат эди. Маҳаллий аҳоли кўпроқ деҳқончилик, аравакашлик, кичик тадбиркорлик, хунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланган.

Подшо Россиясининг Қўқон ҳонлигини ҳарбий босиб олиши, Фарғонада мустамлакачилик тартибларининг ўрнатиши ва бу сиёсатни давом эттириш режаси ўзининг таянч пунктларидан бўлган Янги Марғилон шаҳрига асос солинишига олиб келди. Ўрта Осиё халқлари, жумладан Фарғона водийси халқи рус амалдорлари ва капиталистлари томонидан таландилар. Мустамлакачилар улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаландилар. Водий подшо Россиясининг ҳом ашё базаси, тайёр маҳсулотларини сотиш бозорига айлантирилди. Бу сиёсатни амалга оширишда Янги Марғилон шаҳри муҳим роль ўйнади.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

3.2. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийсида

аҳолини кўчириш сиёсати

Россия империяси Марказий Осиёга ҳарбий юришларни бошлаганда Бухоро амирлиги ва Ҳива хонлигида ўз таъсирини ўрнатиш билан бирга бошқа муҳим мақсадларни ҳам кўзлаган эди. Булар қишлоқ хўжалик ҳом ашёсини, айниқса, пахта, пилла етиштириш салоҳияти ва бой ер ости қазилмаларига эга бўлган ҳудудларини қўлга киритиш, забт этилган ҳудудларни Россиянинг тайёр маҳсулотлари учун йирик бозорга айлантириш, туб аҳолисидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш ҳамда стратегик (Хитой ва Эрон билан янги чегараларга чиқиш, Афғонистон чегараларига бевосита яқинлашиш) вазифалардан иборат эди.

Аслида Россия империясининг олий сиёсий ва ҳарбий доиралари Марказий Осиёда босиб олинадиган ҳудудларда мустамлака сиёсатини юритиш, қишлоқ хўжалик ҳомашёси ва табиий бойликлар манбаига айлантириш учун фақатгина қуролли кучларга, ҳарбий – маъмурий бошқарув тизимига таяниб бўлмаслигини яхши билишган, чунки минтақанинг туб миллатли халқлари тарихан шаклланган миллийлигини, кадрятларини ўзга давлатлардан ҳимоя қилишга, тобе бўлмасликка ҳаракат қилишга руҳан тайёр эканлиги ҳам маълум эди.

Шунинг учун Марказий Осиёни забт этиш режаларини ишлаб чиқиш билан бирга босиб олинадиган ерларга биринчи навбатда ярим ҳарбий ҳаёт кечирувчи казакларни, кейин кўчириб келтирилган (рус, украин) аҳолини имтиёзли шартлар билан жойлаштириш ҳам кўзда тутилган. Мустамлакада ёки унинг айрим ҳудудларда маҳаллий аҳолининг ғалаёнлари юзага келадиган бўлса доимо қуролларга (қилич, милтиқ) эга казаклар билан бирга кўчириб келтирилган аҳоли ҳам қуролланиб мустаҳкам ва ишончли таянч бўлиши керак эди.

Россия империясининг ўлкадаги иқтисодий–ижтимоий сиёсати, чунончи, кўчириш сиёсатига бағишланган асарлар муаллифларнинг аксарияти, айниқса, Россия империясининг амалдорлари Туркистонга аҳолини кўчириш заруриятини 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқи бекор

қилиниши оқибатида ички губернияларда гўёки ортиқча аграр аҳоли пайдо бўлиши ва шу аҳолини янги ҳудудларда кўчириш эҳтиёжи билан изоҳлашган. Лекин бундай мулоҳазани ҳатто қисман ҳам тўғри дейиш қийин, чунки, биринчидан, Россия империяси Марказий Осиё ҳудудларидан илгари босиб олинган Кавказга асосан казакларни ва камсонли шаҳарлик насроний аҳолини кўчирган; иккинчидан, крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинишидан анча олдин, XIX асрнинг 50-йилларида рус кўшинлари Қўқон хонлигига қарашли ҳудудларини (Оролбўйи, Казали, Оқ-мачит, Иссиқкўл хавзаси, Тўқмоқ, Пишпек, Еттисув), Ҳива хонлигига қарашли (Манғишлоқ ярим ороли, Каспийбўйи) ҳудудларини босиб олиши ортидан кўплаб рус аҳолиси кўчирилиб, қишлоқ жойларига жуда қулай шароитларда метрополияда ҳеч қачон бўлмаган имтиёзлар билан жойлаштирилди; учинчидан, агар Россияда крепостнойликнинг йўқ қилиниши натижасида айрим губернияларда қишлоқ аҳолиси ҳаддан ташқари ортиқча бўлиб қолса ва Россия империясининг Марказий Осиёга нисбатан ғаразли, истилочилик интилиши бўлмаса, унда ортиқча аҳоли муаммосини аҳолиси кам губернияларга, Узоқ Шарққа, Шарқий Сибирга кўчириш йўли билан ҳал қилиши мумкин эди. Лекин бу борада Марказий Осиёга ҳос омиллар устунлик қилган.

Агар Кавказни забт этиш Россия учун иқтисодий жиҳатдан нефтга эга бўлишни, стратегик жиҳатдан эса Эрон ва Туркия билан чегарадош бўлишни ҳамда Каспий денгизда ўз мавқеига эга бўлишни таъминласа, Марказий Осиёда мустамлакачилик ҳукумронлигини ўрнатиш аввало метрополиянинг саноати учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик ҳом ашёсини (пахта толаси, пилла, чорвачилик маҳсулотлари) ва минерал бойликларни ўзлаштириш, метрополиянинг тайёр маҳсулотини сотиш учун янги бозор очиш ҳамда Афғонистон чегараларига илк бор чиқиш, Эрон ва Хитой чегараларига эса яна бир томондан яқинлашиш имкониятини берар эди. Шу боис “ортиқча” аҳолини кўчириш сиёсати бу ерда стратегик жиҳатдан

мустаҳкамланиб олиш учун зарур эди.¹ Ўйлашимизча Ўрта Осиёда рус-инглиз рақобати асосий роллардан бирини эгаллаган.

Фарғона водийсининг ҳамда Бухоро амирлиги, Ҳива ҳонлигининг янги ҳудудларини босиб олиш билан машғул бўлган Россия империяси ва мустамлакачи амалдорлар 1881 йилгача Туркистонга Россиядан тобора кўп миқдорда кўчиб келаётган аҳолининг сонини, ижтимоий ёки миллий таркибини назорат қилишмаган. Лекин аҳоли кўчиб келишига ва ҳарбий жиҳатдан муҳим ҳисобланган жойларда казакларнинг ва бошқа насронийларнинг посёлкаларини барпо этишга аҳамият берилган. Дастлаб ўлкага русларни кўчириб келтириш сиёсати мажбурий амалга оширилган. Бироқ кейинчалик ихтиёрий кўчиб келувчиларнинг сони кўпайиб борди.² Ўз ҳоҳиши ва янги ўлкада бой бўлиш умиди билан кўчиб келаётган рус аҳолиси орасида шаҳар ва қишлоқ камбағаллари кўп бўлган. Фарғона вилоятининг уезд бошлиқлари ҳам кўчиб келаётган славян аҳолиси орасида камбағаллар, қашшоқлар жуда кўп бўлганлиги уларни жойлаштириш масаласини оғирлаштираётганини қайд қилишган³. Андижон уездининг бошлиғи Фарғона вилоятининг Ҳарбий губернаторига 1910 йил сентябр ойида бундай деб ёзган эди: “... Россиянинг турли губернияларида сарсон-саргардон бўлган ва люмпен*ларга айланганидан кейин Туркистонга кўчиб келганларнинг катта қисми отларга ҳам, ерга ҳам эга эмас, лекин муҳими ўрнашиб олмоқчи. Рус крестьянларининг маҳаллий аҳолига муносабатини яхши деб бўлмайди. Аксарият ҳолларда туб аҳолига менсимаслик билан қарашади ва кўпинча ҳеч бир асосиз ҳақорат қилишади”⁴.

¹ Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Тошкент: Iqtisod–moliya. 2008. - Б.12.

² Ўша асар

³ Ўша жойда.

*Люмпен – (нем. lumpen-увада сўздан олинган) ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган, тасодифий даромад ҳисобига кун кечирувчи аҳолининг тубат қатламлари: дайдилар, қашшоқлар, жинойий элементлар, ичкиликбозлар, фоҳишалар ва бошқалар.

⁴ Исаков Ф. Национальная политика царизма в Туркистане (1867-1917 гг.). – Тошкент: ART FLEX, 2009.- С. 125.

Аслида 1-сонли форт (илгари Оқ-мачит, кейин Перовский, ҳозирги-Қизил-Ўрда) ташкил этилаётган вақтданок рус аҳолини кўчириш ва шароитга кўра яхшироқ жойлаштириш бошланган эди. 1847 йилдан эса Еттисувга Сибир казак қўшинининг икки полкини келтириш билан ярим ҳарбий турмуш тарзига эга казак аҳолисининг бўлажак Туркистон ўлкасига кўчириш бошланган. Бу даврда ҳукуматнинг даъватига жавобан ва аксарят ҳолларда ўз ташаббуси билан кўчаётган насроний аҳолининг оқими қаттиқ назорат этилган ва маълум даражада бошқарилган. Кўчиб келаётган насроний аҳоли барча солиқлардан озод қилинган ҳолда шаҳарларда уй-жой, иш билан, қишлоқ ҳудудларда эса маҳаллий аҳолидан тортиб олинган суғориладиган ерлар ва яйловлар билан таъминланган. Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман 1873 йилда ҳукуматга йўлланган расмий ҳужжатда рус аҳолисини Оренбургдан Тошкентгача ва Тошкентдан Верний (ҳозирги- Алматы) орқали Семипалатинскгача бўлган ҳудудларда жойлаштиришни таклиф қилган эди¹.

Бу таклиф 1876 йилда, Фарғона водийси олинганидан кейин, тўлдирилган ҳолда қабул қилинади. Гап шундаки, К.П.Кауфман юқорида кўрсатилган иккинчи йўналишни, яъни, Тошкентдан Семипалатинскгача бўлган ҳудудни, афзалроқ – деб ҳисоблаган бўлса, энди Қўқон хонлиги йўқ қилингандан ва Бухоро амирлиги, Ҳива хонлиги устида Россиянинг протекторати ўрнатилганидан кейин ўлкани қишлоқ хўжалик ҳом ашёси, манбаига айлантиришга, биринчи навбатта эса пахта етиштиришга имкониятлар кўпайганидан кейин рус аҳолини иложи борича Оренбургдан Тошкент ва Хўжанд орқали Ўш ва Жалолободгача ҳамда Ҳаваст (у вақтда Урсатъевск) орқали Жиззах, Самарқанд, Амударё бўлимигача бўлган икки йўналиш бўйлаб кўчириш устувор бўлиб қолди. Шу билан бирга казаклар фақат Афғонистон, Эрон ва Хитой билан чегарадош ҳудудларда

¹ Қурбонова Н Россия империясининг аҳолини кўчириш сиёсати: Тарих ва таҳлил (Фарғона водийси мисолида). //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Иккинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013.- Б. 203

жойлашиши мумкинлиги ҳамда ўлкага кўчиб келаётган немис аҳолисига “бердан” милтиқлари берилмаслиги белгиланади.

Россия императори 1881 йил 10 июлда аҳолини кўчиришга дахлдор илк ҳужжатни – “Крестьянларни ғазнага тааллуқли бўш ерларга кўчириш ҳақидаги Муввақат Қоидалар”ни имзолади. Бу қоидаларга кўра ва яқин келажакда ўлкага насроний аҳоли янада кўпроқ кўчиб келишини назарда тутиб империя ҳукумати ва Туркистон генерал-губернатори оиладаги эркакларнинг ҳар бирига 10 десятинадан ер, маълум миқдорда моддий ёрдам беришга қарор қилди.¹ Лекин Россияда расмий православ черкови томонидан XVII асрнинг охирида сиқувга, тазийққа дучор бўлган диний бузғунчилар (раскольниклар, староверлар) илгари Ғарбга кетишар эди. Энди эса улар турли секталарга мансуб славянлар, шунингдек, баптист, меннонит секталар аъзоси бўлган немислар Марказий Осиёда паноҳ топишга интилишди. XIX асрнинг 80 йилларида россиялик менонитларнинг 30 та оиласи Ҳива ҳонининг рухсати билан Амударё яқинида жойлашгани маълум. Лекин насроний бўлса ҳам православ эътиқодига ҳам мансуб бўлмаганларни Россия империяси Туркистондаги мустамлакачилик тизимининг, амалиётининг таянчи бўлишига шубҳаланиб, 1883 йилда аҳолини кўчириш ҳақида янги қоидаларни қабул қилди. Бундан буён ўлкага православ эътиқодига мансуб руслар (украинлар, беларуслар) кўчиш бўйича рухсат олиши мумкин эди. Шу билан бирга кўчиб келган рус оиласига қишлоқларда, айниқса, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида бериладиган ер майдони камайтирилди.²

Россия империяси Туркистонга насроний (православ) аҳолини кўчириш масаласи бўйича 1886, 1889, 1892, 1903, 1910 йилларда махсус қонунлар, қоидаларни қабул қилиб, ўлкага ташкилий равишда Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий қолоқ губернияларидан рус миллатига ва православ эътиқодига мансуб крестьянларни, шаҳарлик ишчиларни кўпроқ келтиришга интилди. Бироқ губерниялардаги оғир иқтисодий аҳвол ҳамда

¹ Кўрсатилган адабиёт.

² Ўша жойда.

рус аҳолиси орасида буюкдавлатчилик, улуғ русчилик кайфияти кенг тарқалганлиги ҳамда Россияга тобе минтақада маҳаллий аҳоли ҳисобига тез бойиб кетиш илинжи жуда кўп одамларни ҳеч қандай руҳсатсиз Марказий Осиёга кўчишга ундаган. Масалан, Фарғона вилояти пахта тозалаш, ёғ-мой, пиллачилик, тўқимачилик, нефт, тоғ-кон соҳаларида олдинда бўлиб, бу ердаги қишлоқларда истиқомат қилаётган рус деҳқонларининг аҳволи бошқа ерлардагиларнинг аҳволидан анча яхшилиги билан ажралиб турарди эди. Масалан, Андижон уездидаги Николаевское селоси, Наманган уездидаги Успенское селосида ҳар бир хўжаликка 14,5 десятина экинга яроқли ҳамда 3 десятина яйлов ерлар тўғри келган¹.

1889 йилга келиб ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, тадбиркорларнинг сони шу қадар ортиб кетдики, Россия ҳукумати 1889 йил 13 июлда қишлоқ аҳолисининг давлат ерларига келиб ўрнашишини назорат этувчи қонунни эълон қилди. Шундан сўнг бир муддат тўхтаган кўчириш сиёсати 1892 йилги Тошкент, 1898 йилги Андижон кўзғолонларидан сўнг яна кучайиб кетди². Натижада, аҳолини кўчириш идораларининг моддий ёрдами туфайли Туркистонга кўчиб келган русларнинг сони ўзбошимчалик қилиб келганларининг сонидан атига 2-3 баробар ортиқ, айрим ерлардан камроқ бўлган. Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Самарқанд, Каспийорти, Фарғона вилоятларида кўчиб келганлар учун маҳаллий аҳолидан тортиб олинган 6000 десятина ер ажратиб берилди³.

Россия империяси ўз манфаатини кўзлаб Туркистонга аҳолини нафақат Россиядан кўчириб келтириши билан кифояланди, балки Қўқон хонлиги йўқ қилинганидан сўнг шарқий Туркистоннинг (ҳозирги Шинжон - Уйғур автоном райони) ўз таркибига киритишга ҳаракат қилаётган Хитой ҳукумати билан 1881 йил битим тузиб, Еттисув вилоятига ва Фарғона вилоятининг Андижон, Ўш уездларига уйғур, дунган аҳолисининг

¹ Гаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар . Т.: Фан 2006 - С. 121.

² Исхаков Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII нач XX вв. Ташкент: Oz DAVMATBUOTLITL, 2009.- С.136.

³ Исхаков Ф.Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). Ташкент: Фан, 1997.-С.69.

кўчишига ҳам рози бўлган. Биргина 1883 йилда Шарқий Туркистондан 60 мингдан ортиқ уйғурлар, дунганлар ва бошқа мусулмонлар кўчиб келди, лекин мустамлакачи идоралар уларга фақат чегарадан ўтишга ижозат берган, жойлаштириш, моддий ёрдам кўрсатиш эса бу тўлиқ маҳаллий аҳолининг зиммасига тушган. 1894 йилда Каспийorti вилоятига Туркиядан кўчиб келган арманилар 5-6 йил мобайнида Ашхобод, Самарқанд, Қўқон, Андижон ва бошқа шаҳарларга кўчиб ўтишди. Хитой хукмрон доираларининг қатағон сиёсатидан қутилиш илинжида Қашқарнинг ўзидан Фарғона вилоятига мусулмон қочоқларининг оқими XX асрнинг бошларида яна ошди. 1904 йилда – 14556 нафар; 1905 йилда - 13337 нафар, 1907 йилда - 25056 нафар, 1909 йилда - 12725 нафар, 1911-1912 йилларда - 53637 нафар, ўзбек, уйғур, дунган, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллатларга мансуб мусулмонлар кўчиб келишди. Уларни жойлаштириш вазифаси ҳам даҳа ва қишлоқ оқсоқолларига топширилган эди.

Ўлканинг Фарғона водийсидек суғориладиган деҳқончилик, айниқса, пахтачилик, пиллачилик ривожланган минтақаларида рус аҳолиси сонининг ортиб бориши рус деҳқонларига солиқлар соҳасида берилган имтиёзлар ўрни маҳаллий деҳқонлардан ундириладиган қўшимча солиқлар, турли йиғимлар билан қопланишиши, ерсизлик ва миллий таҳқирланиш туб аҳолининг исёнларига, норозилик намойишларига ва катта-кичик қўзғолонларига асосий сабаб бўлган.

Ўлка халқлари мустамлакачиликни итоакорлик билан қабул қилмаслиги ва кўчиб келаётган аҳоли буюк давлатчилик кайфияти билан маҳаллий аҳоли норозилигини кўзғаётганини билган ҳолда Россия империяси ва Туркистон маъмурияти Тошкент (1892 й.), Андижон (1898 й.) қўзғолонларидан анча илгарироқ рус қишлоқ аҳолисини оддий (“бердан”) милтиқлар билан қуроллантиришга, рус (украин, белорус) посёлкаларида жанговор отрядларини ташкил қилишга ва мусулмонлар орасидан ҳокимият учун шубҳали, ҳавфли шахсларни мунтазам аниқлашга, кузатишга катта аҳамият беришган. Бунга маҳаллий оқсоқоллар ҳам жалб этилар эди.

Андижон кўзғолонидан кейин Фарғона вилоятининг янги ҳарбий губернатори генерал-майор Чайковский Россия императорига юборган ҳисоботида сиёсий вазият ҳақида, хусусан, қуйидагиларни ёзган: “Минтақада мингтепалик эшоннинг 1898 йил 18 май ғалаёнидан кейин тинчлик ҳукм сурмоқда ва ноҳуш кайфиятлар йўқ. Эшоннинг ниятлари маҳаллий аҳоли орасида чуқур илдиз отишга улгурмади ва бу кабиҳ ишнинг беақл қатнашчилари кўп бўлмади. Аҳоли инсонпарвар бошқарувни ва империянинг қудратини яхши англади. Лекин бизга қарши кайфиятнинг кўққис намоён бўлиш ҳавфи сақланмоқда ва шунинг учун рус маъмурияти маҳаллий аҳоли ҳаётининг барча соҳаларини назорат қилишини кучайтириши зарур. Афсуски, шундай зарурий вазифанинг бажарилиши вилоятда ўта камсонли маъмурий лавозимлар мавжудлиги билан қийинлашмоқда. 1/2 миллион аҳолиси бор бешта уездда маъмурий-полиция назоратини ташкил этувчи атиги 17 киши бор, улардан фақатгина 7 киши (участка нозирлари) маҳаллий аҳоли орасида яшайди; қолган 10 таси шаҳарларда туради... волост бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқоллари полиция вазифасини бажариш учун зарур даражада ишончли ва мустақил эмас... вилоятга деҳқончилик билан шуғулланувчи русларни империянинг ички губернияларидан иложи бориша кўпроқ кўчириш керак”¹.

Россия империяси ва ўлка маъмурияти Туркистон маҳаллий аҳолисининг аҳоли оғирлашгани ва кўчиб келаётган рус аҳолиси ўлкада ўзини ҳақиқий хўжайиндай тутгани сари пайдо бўлаётган муаммоларини адолатли ҳал қилиш ўрнига туб халқларга нисбатан куч ишлатиш катағон амалиётини кенгайтириш ва рус православ аҳолисига қурол бериш чораларини қўллади. Бу жараён Николай II 1903 йил 10 июнда тасдиқланган “Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига қишлоқларда ва шаҳарда яшовчиларни кўнгилли равишда кўчириш тўғрисидаги Қоидалар”ни² қабул қилиши билан янада авж олди.

¹ Курбонова Н Россия империясининг аҳолини кўчириш сиёсати: Тарих ва таҳлил (Фарғона водийси мисолида). //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 205

² Кўрсатилган адабиёт

Биринчи жаҳон уруши арафасида, 1914 йил 28 июлда, Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори ўлка генерал-губернаторига юборган номада, хусусан, қуйидаги мулоҳазалар баён қилинган; “Ўш уездининг бошлиғи бугун менга жўнатган телеграммада, уруш бошланиши эҳтимоли ва қўшинлар чиқарилиши муносабати билан туб аҳоли кўзғолон кўтариши мумкинлиги ҳақида ҳавотирли мишмишлар пайдо бўлганлиги ёзиб, шунинг учун рус аҳолини кўриқлаш мақсадида русларга қурол беришга ижозат сўрамоқда... Рус аҳолисининг айби билан маҳаллий аҳоли ғазабланган. Сизга маълум кўзғолонни туб аҳоли ҳамон ёдида сақлаётган Андижон уездининг бошлиғи ҳам шундай ҳавотирни билдирди. Шунинг учун уруш даврида озроқ қўшинни Андижон, Ўш ва Қўқон шаҳарларида қолдиришини ҳамда Андижонга дарҳол Скобелев шахрида жойлашган сотнялардан бирини кўчиришни илтимос қиламан”.

Мазкур урушнинг биринчи кунларида Фарғона ҳарбий губернатори уезд бошлиқларига рус посёлкаларидаги аҳолига ва уларнинг командаларига “бердан” милтиклар ва ўқлар бериш юзасидан буйруқ юборди¹. 1914 йил 12 августда эса генерал –губернатор вазифасини бажарувчи генерал – лейтенант Флуг барча вилоят ҳарбий губернаторларига “Зарур бўлганда рус аҳолисининг ўзини-ўзи мудофаа қилишини ташкил этиш ҳақида мулоҳазаларингизни тақдим қилишингизни сўрайман. Қуролдан фойдаланиш, уни сақлаш ва бегона қўлларга ўтиб кетмаслигини таъминлашни назарда тутиш зарур”, -деб ёзган эди.

1915 йилдан бошлаб Туркистонга минглаб чет эл ҳарбий асирлар (венгерлар, славкалар, руминлар, поляклар, немислар, турклар ва бошқалар) келтирилди ва асосан қишлоқ ҳудудларига жойлаштирилди, шунингдек, Ғарбий фронт яқинидаги минтақаларидан қочоқлар кела бошлади. Туб аҳолидан мажбурий ҳарбий солиқ олиш ҳам жорий этилди. Бу ҳам маҳаллий аҳолига жуда оғир юк бўлиб тушди. Ғарбий фронтда мағлубиятларга дучор бўлаётган Россия империяси ҳарбий-сиёсий

¹ Ўша жойда

инқироздан қутилиш мақсадида бошқа чоралар қаторига Туркистондан туб миллатларга мансуб 19-43 ёшдаги эркакларни фронт ортида мудофаани ташкил этишга ва саноатда ишлашга жалб қилишини лозим топди ҳамда 1916 йил 25 июнда бу ҳақида подшонинг фармони эълон қилинди. Ўлкада бу фармоннинг амалий ижросини таъминлаш генерал Галкинга топширилди. Туркистондан 250 минг ишчини, жумладан, Фарғона вилоятидан 77 минг кишини империясининг ғарбий минтақаларига жўнатиш лозим эди. Фармоннинг амалга оширилиши ўлкада 1916 йилдаги умумхалқ кўзғолонининг бошланишига туртки ҳам, сабабларидан бири ҳам бўлади.

3.3. XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона водийсида хунармандчилик

XIX аср охири - XX аср бошларда Фарғона водийси шаҳарларида хунармандчиликка аълоҳида эътибор қаратилган. Қўқон шаҳрида ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш ўзига ҳос тарзда бўлиб, кўнчилик, ип йигириш, ипакчилик соҳаларида муҳим ўрин тутган. 1876 йилда шаҳарда 67 та тери устаҳонаси, 232 йигирув устаҳоналари, 276 та ипак, 428 та савдо ёймаси ва 1 та ғишт қўйиш устаҳонаси бўлган¹. Ўлкага рус капитали ва тадбиркорларнинг кириб келиши билан Қўқонда ҳам кўплаб завод-фабрикалар, банклар, савдо фирмалари юзага келади, шаҳарда кўплаб завод-фабрикаларнинг кўпайиши эса маҳаллий хунармандчилик устаҳоналарини камайиб кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, ўша пайтда ўлкада темир йўлнинг қурилиши ҳам бу ерда завод ва турли корхоналарнинг ривожланишига сабаб бўлган. Жумладан, Қўқонда 20 та пахта тозалаш заводи, 4 та ёғ ишлаб чиқариш заводи, буғ ва сув заводлари, 8 та банк ишлаб турган.

¹ Давлатова С. Т. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрда Фарғона водийси анъанавий хунармандчилиги ҳолати. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Икинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013. - Б. 224

Фарғона вилоятининг яна бир муҳим иқтисодий маркази Андижон шаҳрида ҳам 1876 йилда жами 2000 га яқин хунармандчилик устахоналари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор¹. Аммо, XX аср бошида ўлкага фабрика маҳсулотларининг кириб келишининг кенгайиши билан шаҳардаги мато, сопол, тери ва совун тайёрлаш каби хунарлар касодга учрайди. Лекин бу кўпроқ майда хунармандларга тегишли бўлиб, йирик хунармандлар ўз ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш учун иш куролларини такомиллаштирадилар, натижада, хунармандчиликнинг тери тайёрлаш ва мато тўқиш соҳалари сақланиб қолади. XIX аср охирида шаҳарда 1646 та ёйма, 22 та карвонсарой, 20 та савдо маркази фаолият кўрсатган².

Фарғона водийси хунармандчилик ишлаб чиқаришида маҳсус мутахассисликлар турли регионлар бўйича ривожланган. Жумладан, Марғилон, Хўжанд, Қўқон ипак ишлаб чиқариш, Бешариқ ва Қўқон матога ишлов бериш, Наманган тери-чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кулолчилик эса, асосан, Риштон ва Ўратепада, гиламлар, палослар Ойим, Дардоқ қишлоғида, абр матолари Марғилонда, Чуст эса ўзининг машҳур пичоқлари билан шуҳрат қозонган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марғилон аҳолиси ипак, ипак толаси ва атлас матолар, жун ва қоғоз матолар ишлаб чиқариш билан ҳам машҳур бўлган. Энг аҳамиятли томони ҳам шундаки, Марғилонда ташкил этилган саноат корхоналари ишчиларининг асосий қисмини ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этган.

1897 йилги аҳоли рўйхатида кўра, катта шаҳарлар аҳолисининг кўпчилик қисмини хунармандлар ташкил этган. Масалан: Наманган аҳолисининг 64фоиз, Қўқоннинг 52фоиз, Чустнинг 54фоиз, Марғилоннинг 50фоиз, Андижоннинг 45фоиз мустақил касб-хунар эгаси ҳисобланган хўжаликлардан иборат бўлган. Шаҳарларнинг иккинчи катта ижтимоий

¹ Зияева Д.Х. XIX – XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тадбиркорлик тарихидан // O'zbekiston tarixi. № 3. 2007. - Б. 37.

² Давлатова С. Т. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрда Фарғона водийси анъанавий хунармандчилиги ҳолати. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Иккинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013.- Б. 225

табақасини савдогарлар ва даллоллар ташкил этган. Таъкидлаш лозимки, Фарғона водийсида ҳунармандлар истеъмол маҳсулотларини ҳарид қилувчилар ҳисобланмай балки, кўплаб усталар тери, ёғоч, жун, металл, пахта ва ипакдан турли буюмлар, кийим-кечакларни етказиб берувчи ҳам ҳисобланганлар.

Россия билан савдо алоқаларининг тезлашуви натижасида шаҳар аҳолиси сони ўсиб ҳунармандчилик ҳам ривожлана бошлаган. Масалан, Қўқон шаҳрида XIX аср ўрталарида 30 минг аҳоли ва 9 та карвонсарой бўлган бўлса, 1897 йили унинг аҳолиси 81 минг кишига етган. Шу вақтда ҳунармандчилик билан шуғулланувчиларнинг сони 2 мингтага етган. Яна ҳар бир шаҳарларда мингтадан шундай дўконлар бўлган. Водийнинг ҳар бир шаҳари ана шундай ҳунармандчилик соҳасига ихтисослашган. Марғилон шойи матоларга, Чуст - пичоқ, от учун эгар, жабдук, Андижон ва Қўқон эса оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг ўзига ҳос жиҳати шу эдики, улар маълум уюшмаларга аъзо бўлиб, ўзларининг касбдошлари манфаатларини доимо ҳимоя қилиб турган. Бундан ташқари, ҳунармандчилик соҳалари бевосита уй-рўзғор хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, кўплаб ҳунармандлар асосий касбидан ташқари деҳқончилик, боғдорчилик билан ҳам шуғулланишиб келишган. Шунингдек, водий шароитида уй ҳунармандчилиги ҳам ривожланган. Бунда ип йиғириш, тўқиш ва кигиз босиш каби касблар алоҳида ажралиб турган.

Фарғона водийси ҳунармандчилигида кенг тарқалган соҳалардан яна бири темирчилик ҳисобланади. Бу соҳанинг ривожини даставвал ҳом ашёга боғлиқ бўлган. 1913 йилда маҳаллий ҳунармандлар 72% металл буюмлар ишлаб чиқарган. Ривожланган соҳалардан бири металл қўйиш билан боғлиқ бўлиб, уни кўп жойларда дегрезлик (яъни “қозон қуйиш”) ёки қозончи, позагар - омоч тиши қуювчи деб номлашган. Дегрез, одатда, ҳар қил ҳажмдаги қозон, поза омоч(тиш), чойидиш, обдаста, шамдон, қора чироқ, арава ғилдирагига тагчўён, қандил, кешга каби буюмларни қуйган.

Улар ҳонлик даврида қуролсозлик ҳам қилишган. Чунки, қадимда замбарак ва тўплар жез ва чўендан қуйилган.

XIX аср охиридан бошлаб, дегрезлар учун ҳам ашё асосан Россиядан олиб келинган. Дегрезларнинг асосий маҳсулоти (бу даврда пахтачилик ривожлангани учун) омоч тиши бўлиб, у умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 85 фоиз ташкил қилган. Умуман, Фарғона водийсида металл буюмлар ишлаб чиқариш тўртта асосий соҳага: темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозларга бўлинган. Темирчилар томонидан хўжалик учун бевосита керак бўлган йигирма хилдан кўпроқ меҳнат қуроллари, хусусан, Қўқон шаҳрининг ўзида 32 хил темир маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Айрим туманлар муайян темир маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича машҳур бўлган. Масалан, Андижон, Чуст, Наманган, Шаҳрихон усталари пичоқ ясаш бўйича ўз маҳоратлари билан танилган. Бундан ташқари, мисгарлик ҳам ривожланган бўлиб, улар турли хил идишлар, турли қутичалар, сандиқлар ишлаб чиқарган буюмларга кўпинча бўрттирилган ва ўйилган нақшлар солинган. Россия босқинидан кейин эса самовар ишлаб чиқара бошлаганлар. Мисгарларнинг асосий ҳам ашёси жез, сариқ мис бўлиб, улар асосан Россиядан келтирилган. Шунингдек, иш жараёнида рух, кўрғошин, кислота, нашатир ҳам керак бўлган. Одатда, идишлар қизил мисдан ясалган.

XIX аср охири XX аср бошларида Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарларида заргарлик ривож топган. Фарғона водийси заргарлари ўз иш услублари билан бошқа ҳудуд заргарларидан ажралиб турган. Улар шоҳойнакли узук, билакузуклар, тугмали, япалоқ, илонбош, бақабош каби заргарлик буюмлари тайёрлашган. Фарғонада қора кумуш билан ишлов берилган безаклар ясалган. Бурунга осадиган аравак ва латива, сочга тақиладиган сочпопуклар, тилла зулф, панжара кубба, бўйин ва кўкракка осиладиган безаклар, зебигардон, жавак, бозубанд зўр маҳорат билан ишланган. Заргарлар учун олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон ва Ҳиндистондан келтирилган. Маҳаллий ҳам ашёлар

ҳам заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда катта омил бўлиб ҳизмат қилган.

Ўзбек ҳунармандчилигида қадимги соҳалардан бири кулолчилик бўлиб, бу Фарғона водийсининг Риштон ва Ғурумсаройида жуда яхши ривожланган бўлиб, лоқал маданиятга ҳос мактаб ҳам яратилган.

Йирик шаҳарларда тўқимачилик билан шуғулланувчи манфактура типигаги корхоналар бўлиб, уларнинг маҳсулотлари бозорларга чиқарилган. Тола ишлаб чиқарувчилар билан тўқимачилардан ташқари бир неча касб соҳалари бўёқчилар, пардозчилар, тондачилар, тўқув дўкони тароғи ва ремизини ишловчилар, читгарлар бўлган. 1910 йилда Фарғона вилоятида 1387 та ипак тўқув дўкони бўлиб, унда 3065 та ишчи фаолият кўрсатган. Касб-ҳунарни авлоддан-авлодга узатиш анъанаси борлиги туфайли халқимиз ҳаётидаги кўплаб ҳунармандчилик соҳалари бугунги кунда бизгача етиб келди.

Гилям тўқишда Фарғона водийсида кўплаб Эрон, Озарбайжон “боғли” (Кирман, Тебриз, Ардебил) ва Хитой (уйғур) “анор” (Қошғар, Ҳотан) наъмуналарини кўриш мумкин. Чунки, маҳаллий гилямчиликда интерпретация ўзига ҳос услубга эга эди. Айниқса, гилямлардаги тўқ кўк, қизил, ер тут ранг, тўқ қизил, тўқ ва оч кўк ранглар билан тўлдирилганлиги кишини ҳайратга солади. Бундан ташқари, гилямларнинг марказида ва четларида кетма-кет йўллар, мотивли безаклар, баъзан бир-бири билан боғланган тўғри ва синиқ чизиқлар, квадрат кўринишидаги шакллар ичида мотивли безаклар, ромблар, такрорий йўл-йўл чизиқлар, ўсимликсимон гулларнинг гўзаллиги билан ажралиб туради. Бу тасвирли гилямлар қошғар гилямлари деб аталади. Бу гилямлар марказида асосан, медальон, гултуваклар, ғунчалар тасвири тўлдирилганлиги боис, Ўрта Осиё амалий санъатида ўзига ҳос хусусият касб этади. Чунки, Фарғона водийси этномаданий алоқаларнинг муҳим марказларидан бири бўлганлиги боис, анъанавий ҳунармандчилигида ҳам яққол сезилади. Тукли гилям маҳсулотларида айниқса, Андижонда ўзига ҳос ўрин тутади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Андижон гиламлари Фарғона водийсининг ўзбек ва қирғиз аҳолиси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, гиламларда ўзига ҳос лоқал бадий асослар, гилам юзасида такрорланиб турувчи крестга ўхшаш мотивлар, нақшлар хошияларида "тўлқин"лар кучлироқ сезилади.

Ўзбек каштачилиги ҳам водийда ўзига ҳос услубда шаклланиб, дастлаб қўл каштачилиги кейинчалик эса машина каштачилиги билан шуҳрат қозониб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бугунги кунда эса яна қўл каштачилигига қайтилмоқда. Айниқса, ҳозир урфга кирган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд услубида тикилган қўл ва машина кашталари, сўзаналари, уй безаклари қаторида Шаҳрисабз ва Бойсун кашталари ўзига ҳос ўрин тутади.

Кўнчилик, яъни ҳайвон терисига ишлов бериш, ундан чарм тайёрлаш Фарғона водийси халқларида деярли бир ҳил усулда амалга оширилган. Бу усул Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидаги терига ишлов бериш, чарм тайёрлаш усулидан кам фарқ қилади ва у қатор тадқиқотчиларнинг ишларида таърифлаб берилган.

Аҳолининг бадий ҳунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши уларни қўлда тайёрлаш билан бир пайтда машинада ишлаб чиқаришга ҳам ўтилди. Натижада бир қанча бадий буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрикалар барпо этилди. Қолаверса, бу йилларда ҳунармандчилик кооперациялари тугатилиб, маҳсулотлар асосан корхоналарда ишлаб чиқарила бошланди. Жумладан, Марғилонда "Атлас" фирмаси, Қўқон ва Наманганда шойи тўқиш фабрикалари асосан ипак газламалар ишлаб чиқара бошлайди. Айни пайтда, бадий маданиятнинг тор доирасида яширин тарзда хусусий қўл тўқимачилиги ҳам фаолият кўрсатди. Бу асосан, Фарғона водийсининг ҳунармандчилик шаҳарлари ҳисобланмиш Марғилон, Наманган, Андижон, Қўқонда сақланиб қолди.

3.4. Фарғонада водийсида христианликнинг тарқалиши

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олишни Пётр I давридан мақсад қилиб қўйган эди. Унинг мақсади XIX асрда руёбга чиқди. Россия империяси аскарларидан анча қисми Ўрта Осиёда, шу жумладан, Фарғонада қолиб яшашга розилик билдирдилар ва уларга уй – жой қуриш учун ер ажратиб берилди. Ундан ташқари Россиянинг марказий районларидан аҳолини кўчириб олиб келинди, сургун қилинди. Натижада Ўрта Осиёда, хусусан, Фарғонада христиан динига мансуб кишилар сони кўпайди. Россиядан келганлар ва қолиб кетган солдатлар рус поселениеларини ташкил этдилар. Уларга губернаторлик томонидан унумдор ерлар, сувга сероб жойлар ажратиб берилди. Ана шу тоифадаги кишилар янги турар жойларида черков, костель, ибодатхоналар, сиғинадиган уйлар, бинолар қура бошладилар. Тарихий манбалардан маълумки, Россия империяси томонидан Кўкон хонлиги тугатилгандан сўнг, дастлаб Янги Марғилон, кейинчалик (1878 йилдан) ҳозирги Фарғона шаҳри ўрнида истехком қуришга киришди. Улар дастлаб ҳарбийлар учун қалъа, қароргоҳ ва яшаш манзилгоҳларини барпо этишиб, кейинчалик маданий масканлар, диний ибодатхоналарни қуришга киришган. Фарғона шаҳрида христиан динига эътиқод қилувчилар ушбу даврдан бошлаб мустамлакачилар томонидан алоҳида эътиборга олиниб, европа ва шарқона қурилиш усулларини ўзида акс эттирган йирик ибодатхоналар бунёд эта бошлашди.

Маҳаллий савдогарлар биноларни қуриш учун маблағ билан ёрдам бердилар. Масалан, Самарқанддаги авлиё Алексеев собори биносини қуришда савдогар Алимбековлар катта маблағ ажратдилар, Чирчиқда ҳам маҳаллий мусулмонлар пул билан ёрдам кўрсатган эди. Кўкондаги Қозон соборини қуришда кўқонлик уста Хусниддин фаол катнашгани учун черков томонидан авлиё Станислав медали билан мукофотланган эди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқимиз кўчиб келган христиан диндорларни ўзига ҳос бағрикенглик билан кутиб олган ва қўлидан келган ёрдамини аямаган, уларга барча соҳада кўмаклашган.

Христиан диндорларига халқимизга ҳос бўлган диний бағрикенгликни, ўзининг менталитетини намоён қилган, икки дин ўртасида биродарлик ва дўстликни мустаҳкамлашга тамал тошини ўша даврлардаёқ қўйганлар ва у ҳозиргача тобора сайқаллашиб давом этмоқда.

Тарихдан маълумки, 1917 йилнинг октябрь ойи охирида Россия пойтахти Петроградда рўй берган инқилобий тўнтариш чекка ўлкалардан бири бўлган Туркистондаги сиёсий жараёнларга ҳам кўп ўтмай ўз таъсирини ўтказди. Тошкент Совети 1917 йил 1 ноябрда Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди. Большевиклар Туркистонда ҳокимиятга келиши билан синфийлик тамойилларга амал қилиб, дискриминация сиёсатини юрита бошлашди. Ишчилар синфи ва камбағал деҳқонлардан ташқари барча табақалар реакцион гуруҳлар деб эълон қилинди. Жумладан, ислом ва бошқа динга эътиқод қилувчи Туркистон аҳли ҳам реакцион оқим сифатида қораланиб, уларга қарши аёвсиз кураш бошланди.

Шунингдек, ўлканинг барча шаҳар ва қишлоқлари қатори Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Асака каби диний муассасалар катта салмоққа эга бўлган шаҳарлар большевиклар томонидан қаттиқ назорат остига олинди, кейинчалик эса улар фаолияти тўхтатилиб, баъзилари қаровсизликдан вайрона ҳолатга келгандан сўнг, бузиб ташланди. Фарғона шаҳрининг ҳозирги марказий стадиони ўрнида жойлашган рус православ черкови, Бобур ва Хўжанд кўчасидаги йирик христиан черковлари ҳам совет қонунчилигига зид бўлганлиги баҳонаси билан фаолиятига чек қўйилган эди.

Манбаларда таъкидланишича, 1918 йил 6 апрелдан эътиборан, Фарғона вилоят инқилобий қўмитаси қарори билан Николаевский православ черкови Қизил Армия зобит ва солдатлари диний эътиқодларини қондириш учун берилганлиги маълум қилинади.¹ XIX аср

¹ Эргашев Ф., Салмонов А., Баранова И. Фарғонада христианликнинг тарқалиши. //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Иккинчи Республика илмий - анжуман материаллари. Фарғона, 2013.- Б. 296

90-йилларида бунёд этилган бу черков аввал ҳам Россия мустамлакачи харбийларининг диний ибодатхонаси сифатида фаолият юритган.

ҲУЛОСА

Ҳулоса ўрнида шунини айтиш керакки, XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси аҳолисининг ижтимоий ҳолати этник чегарадан анча кенг бўлиб, аҳоли гуруҳларини ўзаро ижтимоий муносабатларида эркинликни

таъминлаган. Аҳолининг этниклик хусусиятлари уларнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданияти, кўникмаларида ўз ифодасини топган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу борада “Тарихий нуқтаи назардан олганда, Марказий Осиё давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш анъаналарига эга эмас эди. Бу ерда Россия томонидан мустамлака қилиб олингунча мавжуд бўлган ҳамма давлатлар, асосан сулолавий ёки ҳудудий (Бухоро, Қўқон, Ҳива хонликлари) принциплар бўйича ташкил этилар эди. Шуниси муҳимки, юқоридаги хонликлар бир пайтлар мавжуд бўлган марказлашган давлатлар ва империялар ўрнида ташкил топган вақтида бу ҳудудда кўп сонли ўтроқ ва кўчманчи қабилалар яшар эди”¹ деб таъкидлаб ўтган.

1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига ташкил этилган Фарғона вилоятида янги маъмурий бошқарув тизими вужудга келтирилди. Бу тизим мустамлакачи маъмурият манфаатларига мос келарди. Бухол ўлкада подшо Россияси ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, ўлкани тизимли равишда мустамлакалаштиришга хизмат қилди.

XIX аср охири - XX аср бошларида вилоят шаҳарлари босқинчиларнинг ҳарбий истехкомларига айлантирилди. Янги шаҳарлар ва эски шаҳарларнинг янги қисмлари айнан мустамлака маъмурияти, ҳарбийлари, рус аҳолини ҳимоясига мослаб барпо этилди. Фарғона вилояти шаҳарлари уезд марказлари сифатида вилоят бошқаруви ҳамда ўлка бошқаруви тизимида алоҳида ўринга эга бўлганлар. Шаҳарлар ҳоқимлар, уезд бошлиқлари, уларнинг маҳкамаси, ёрдамчилари, котиб ва таржимонлари, полиция, суд, молиявий ҳодимлари орқали бошқарилган. Вилоятда умумимперия қонун ва тартиблар жорий қилинган бўлиб, ҳукуматнинг барча бўғинлари пастдан юқорига қараб ҳисобот берган. Ерли аҳоли эса оқсоқоллар институти орқали бошқарилган. Бироқ маҳаллий органлар ҳам мустамлака маъмуриятига тобе бўлган.

Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарлари империя манфаатларидан келиб чиқиб, ўлканинг муҳим маъмурий, ҳарбий-стратегик марказлар сифатида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 496.

қаралган. Тошкент, Самарканд, Андижон, Қўқон ва бошқа шу каби йирик шаҳарлар маъмурий ва ҳарбий марказларга айлантирилган. Мустамлака ҳукумат томонидан ҳарбий, маъмурий, стратегик ва сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб ташкил қилган “янги шаҳарлар” подшо ҳукуматининг ўлкадаги таянч пунктлари, ҳарбий ва маъмурият вакиллари учун турар жой, бошқарув ва бошқа муассасаларни, империянинг марказий губернияларидан кўчиб келтирилган аҳолини жойлаштиришга қаратилган.

Фарғона водийсида подшо ҳукумати мустамлакага айлантирилган ҳудудларни бошқариш, назорат қилиш, маъмурият вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий кўшини жойлаштириш, империянинг марказий губернияларидан кўчириб келтирилганларни жойлаштириш, маъмурият ва ҳарбийларни маҳаллий аҳолидан алоҳида қилиш, янги маъмурий, ҳарбий ва бошқа иншоотлар қуришга табиий шароити яхши, шарт-шароитлари қулай жойга эга бўлиш, чегараларни мустаҳкамлаш, чегараларни кенгайтириш учун вилоят марказини Қўқон шаҳридан Марғилон шаҳри яқинига кўчиради.

Шаҳарларда аҳоли зич жойлашганлиги, уларда таълим тизими, масжидлар ва савдо шоҳобчаларидан иборат анъанавий ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар мавжуд бўлганлиги, мазкур шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик, маданият марказлари сифатида муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради. Бу даврда Фарғона водийси анъанавий ҳунармандчилик ўзига ҳос ривожланиш ва тараққиёт босқичига эга бўлиб, умумўзбек миллий ҳунармандчилигининг тарихида алоҳида ўрин тутади.

Чор мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона вилоятида пахтачилик тарихини, шунингдек, пахта тозалаш ва пресслаш заводлари фаолиятини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармаларда мавжуд бўлган, бироқ илмий муомалага киритилмаган ҳужжатларни аниқлаб, уларни манба сифатида таҳлил қилиш, келгусида бу масалага доир ишларни ёритишда янги манбаларни жалб этишга имкон беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва хукумат қарорлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.

1- жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – 4-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Юксак манъавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 1996 йил 18 сентябрдаги Фармойиши.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида” қарори. /“Халқ сўзи”, 1996 йил 17 декабрь.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” қарори. “Халқ сўзи”, 1998 йил 25 июль.

II. Адабиётлар

1. Абашин С.Н. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века) // Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М.: 2004.

2. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср - бошлари). – Тошкент: 2005.
3. Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими –Т.: Академия, 2002.
4. Алимова Д.А, Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. - М.: 1964.
6. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX – начало XX в.). – Т.: 1987.
7. Голованов А., Ражабов Қ. Совет даврида пахта яккоҳоқимлигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари. (1865-1990 йй.). //Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. –Т.: Шарқ, 2000.
8. Голованов А., Ражабов Қ. “Оқ олтин”нинг қора қисмати. //Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. – Т.: Шарқ, 2001.
9. Зайончковский П.А. Правительственный аппарат самодержавной России в XIX в. – Москва: 1978.
10. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь. – Т.: ЎзФА, нашриёти, 1962.
11. Зияев Ҳ. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. – Т.: Фан, 1980.
12. Зияева Д.Ҳ. XIX – XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тадбиркорлик тарихидан // O”zbekiston tarixi. №3. 2007.
13. Исақов Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.) – Т.: “ART FLEX”, 2009.
14. Исҳоқов Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII – начало XX вв. Т.: OZ DAVMATVUOTLITL, 2009.
15. Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар/ Нашрга тайёрловчи ва сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи У Долимов, Н Жабборов. –Т.: Маънавият, 2005.

16. Икромов А. Пахта мустақиллиги учун кураш йили. – Т.: Ўздавнашр, 1932.
17. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. /Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С Аҳмедов . –Т.: Маънавият, 2003.
18. Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. Т.: Iqtisod–moliya, 2008.
19. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати // Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова – Т.: Шарқ, 2000.
20. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX веков.). Т.: Изд. литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1988.
21. Охунбобоев Й. Танланган асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1976. -479 б.
22. Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). –Т.: Ўзбекистон, 1994.
23. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Масъул муҳаррир: Алимова Д.А. –Т.: Шарқ, 2001.
24. Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (XIX аср охири – XX аср бошлари). I китоб. – Т.: “Наврўз”, 2013.
25. Шарафиддинов А., Ташпулатов Г. Из истории возникновения и развития города Ферганы. //ФДУ. Илмий ҳабарлар. 2002. №1-2.
26. Шарафиддинов А., Позилов М. Фарғона вилоятининг Наманган уездида пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг шаклланиши. (XIX аср охири – XX аср бошлари). //ФДУ. Илмий ҳабарлари, 2011. № 4.
27. Шарипов Р, Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи. –Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2004.
28. Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: Шарқ, 2013.
29. Ўзбекистон тарихи (Р.Х.Муртазаева умумий таҳрири остида). – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
30. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002.

31. Гаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Т.: Фан, 2006.

III. Конференция материаллари

1. “Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси”. Республика илмий амалий анжумани материаллари. – Тошкент: 2004.
2. Ватанимиз ўтмишидан. Андижон Давлат университетининг 75-йиллигига бағишланган “Истиқлол ва миллий тарих” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Андижон: 2007.
3. “Кўқон асрлар силсиласида”. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Кўқон: 2004.
4. “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда”. Иккинчи Республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона: 2013.
5. “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда”. Республика илмий анжумани материаллари. – Андижон: 2015.
6. “XXI аср – интеллектуал авлод асри”. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. – Андижон: 2015.